АМЕРИКАДАГИ МАХСУС МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

# УМУРЗОҚ ОТАНИНГ ВАШИНГТОНДАГИ НАБИРАЛАРИ

Ўзбеклар ва дунё

ВАҚТИ КЕЛИБ НАБИРАЛАРИ Американинг машҳур кишилари бўлиб етишиши марғилонлик Умурзоқ отанинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак...

Ота иккинчи жаҳон урушидан аввал оламдан ўтган эди. Йигирма ёшли ўғли — мактаб ўқитувчиси Рўзимат Умурзоқов унинг маъракаларини эл қатори ўтказди. Шу сабаб бўлди-ю, «диний маросимлар» ўтказишда айбланиб, комсомолдан ўчирилди. Ҳақиқат излаб Москвагача борган ёш ўқитувчи ўша ерда анча вақт қолиб кетди. Гарчи ўз мақсадига эришган — комсомолга тикланган бўлса ҳам, айрим ақли расоларнинг маслаҳатига кириб, вақтинча СССРнинг Оврупо шаҳарларида, кейинчалик Украинада ишлаб юрди. Шу орада уруш бошланиб, у яшаб турган ерлар душман томонидан қуршаб олинди. Фарғона водийсида барчага таниш бўлган Умурзоқ отанинг ўғли шу тариқа Ғарбга ўтиб қолди. У кейинчалик Рўзи Назар исми билан фаолият кўрсата бошлади: мақолалар ёзди, маърузалар қилди, халқаро йиғинларда қатнашди, Ўрта Осиёга оид китоблар чиқаришга бош-қош бўлди...



СУРАТДА: Эркин Назар, Хайрулла Исматуллаев ва Рўзимат Назар

1990 йил кузида мен Висконсин штати маркази Мэдисон шаҳрида ўтказилган бир халқаро йиғилишда Рўзимат ака билан танишдим, анжуманда у билан бирга қатнашдим. Шу аснода бу тиниб-тинчимас, 73 ёшга кирган бўлишига қарамай, ўта ғайратли ва хушчақчақ ватандошимиз ҳаётига қизиқиб қолдим. Вашингтонда бўлганимда, унинг уйига бориб, оила аъзолари билан юз кўришдим. Рўзимат аканинг бой кутубхонаси, ўзларига тегишли шахсий ҳужжатлар менинг ихтиёримга бериб қўйилди. Унинг ҳаётини ўрганганим сайин ўттизинчи йиллардан бошланган фожиали манзаралар кўз олдимда равшан гавдалана бошлади.

Рўзимат ака мураккаб, оғир ҳаёт йўлини босиб ўтганлар: Олмония ва Туркияда яшаганлар, ҳозир оилалари, ўғил-қизлари билан Вашингтонда. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида бўлганлар, бир неча тилларда бемалол гаплаша оладилар, жаҳон матбуотини, айниқса, СССР матбуотини ҳар куни кузатиб борадилар. Мамлакатимиздаги бирор рўзномада диққатга сазовор мақола чиқиб қолса, дарҳол қўнғироқ қилиб, «ўқидингизми?» деб сўрайдилар ва ўз фикрлари билан ўртоқлашадилар.

Рўзимат аканинг ўғил-қизлари ҳар қандай ота-она ҳавас қилса арзийдиган фарзандлардир. Улардан бири Эркин Назар билан мен шу йил март ойида танишдиму йўқотган ҳамфикримни топиб олгандек кўнглим ёришиб кетди. Эркиннинг чуқур билимга эгалиги, камтарлиги, ўнга яқин хорижий тилларни мукаммал билиши, бироқ ўз тилини — ўзбек тилини севиши, уни улуғлаши диққатимни ўзига жалб қилди. У олмон, инглиз, турк тилларини ўзбек тилидек аъло даражада билади, араб, форс ва испан тилларида қийналмасдан гаплаша олади. Ҳозир ўрис тилини ўрганяпти. Ўз меҳнат фаолиятини 1971 йили АҚШнинг Шимолий Виржиниа штатида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ишлари билан бошлаган. 1975 йили Қоҳирадаги дорулфунунга ўқишга кириб, шаҳар қурилишида уй-жой муаммолари ва сўфийлик таълимотидан сабоқ олган. Мен Эркиндан нима учун айнан Мисрга бориб ўқиши сабабини сўрадим. Саволимга: «Биринчидан, Қоҳира дорулфунуни Шарқда яхши олий ўқув юртларидан бири саналади, иккинчидан, Шарқни англаш учун, сўфийликни тушуниб етиш ҳамда араб тилини мукаммал билиш учун бу муҳим эди», деган жавоб олдим.

Эркин тўққиз йил Туркиянинг Анқара, бир йил Истанбул шаҳарларида истиқомат қилган, турк тили, тарихи, маданиятини синчиклаб ўрганган, 1976—77 йиллари у ерда инглиз тилидан дарс ҳам берган. 1981 йили АҚШдаги машҳур Массачусетс дорулфунунининг сиёсий иқтисод факультетини муваффақиятли битириб, илмий даража олган. 1988 йилгача Вашингтонда жойлашган уй-жой ширкатида режалаштирувчи бўлиб ишлаган. Сўнгги пайтларда эса Ўрта Осиёга оид маслаҳатлар берувчи ширкатда («Сентрал Эйшан аффеарз консултантс») шу ташкилот бошлиғининг ёрдамчиси вазифасида хизмат қиляпти. Бу ширкат АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги Ўрта Осиё жумҳуриятлари билан маданий, иқтисодий алоқа ўрнатмоқчи бўлган шахслар ҳамда ташкилотларга маслаҳатлар беради.

Эркин Эрон, Кипр, Исроил, Эквадор, Венесуэла, Колумбиа каби мамлакатларда ҳам бўлиб, у ерлардаги маданий ва иқтисодий ҳаёт билан танишган. Унинг онгли ҳаётида Ўрта Осиё жумҳуриятларига, ўз ота-боболари юртига қизиқиш ҳамиша асосий ўринни эгаллаб келган. Доимо: «Нима қилсам, ўз халқимга ёрдам бера олишим мумкин?» — деган ўй билан яшайди.

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕК АЛИФБОСИ ҳам ўзбек зиёлиси каби 20-йиллардан бери жафо чекиб келмоқда: 1923 йили араб алифбосига асосланган эски ёзув қисман ислоҳ қилинди, 1929 йили ўзбек ёзуви тўққиз унлига асосланган лотин алифбосига ўтди, 1935 йили беш унлига асосланган лотин ёзуви қабул қилинди ва ниҳоят 1940 йили ўрис алифбоси ўзбек ёзувига асос қилиб олинди. Оқибатда ҳозирги кунга келиб, энг ноқулай ёзувлардан бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ёзувимиз, алифбомизни фақат талабалар эмас, балки ўзларини тилшунос деб юрувчи мутахассислар ҳам яхши билишмайди.

Эркин Назар ана шуларни инобатга олиб, барча ўзбек алифболари учун компютер программаси ишлаб чиқди. Бу программа асосида хоҳлаган компютерда барча турдаги (араб, лотин, кирилл) алифболар билан ёзиш мумкин. Жуда қулай, ўта осон. Эркиннинг алифболар программаси қабул қилинса, илмий китоблар, луғатлар чиқаришданоширлар олдида «Бу ҳарфларни қаердан топдим?» деган муаммо кўндаланг бўлиб турмайди. Турли алифболарга асосланган матнларни бир компютерда териб, шу компютер орқали истаган нусхада босиб чиқариш мумкин.

Эркин ўзи яратган программани дастлаб «Ўзбек-туркий тили алифбоси» дарслигини нашр этишда қўллади. Мазкур алифбо китоби Эркиннинг биринчи ноширлик ишидир.

Эркин Назарнинг орзуларидан бири ота-боболари киндик қони тўкилган ўлкани тавоб этиш эди. Шу йил июнь-июль ойларида Ўзбекистонни кўришга муяссар бўлди. Мен унинг сафар чоғида олган олам-олам таассуротларини эшитдим. У ҳозир Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида маданий, иқтисодий алоқалар ўрнатиш режаларини тузмоқда. Ўзбекистонга тезлик билан иқтисодий, технологик кўмак кўрсатиш мақсади билан яшамоқда. У сингари нияти пок кишиларга эса Ўзбекистон ҳамиша муштоқ.

Рўзимат аканинг қизи Зулфия ҳақида ёзиш анча қийин. Бир мақолада унинг қаламига мансуб ишларни ҳатто номма-ном санаб чиқиш ҳам машкул.

Зулфия турмушга чиққан, бир ўғли бор. Ўзи иқтисодчи олима, АҚШ ва жаҳон иқтисодига оид кўплаб мақола, илмий иш, китоблар муаллифи. Шу йил март ойидан бошлаб АҚШ кутубхоналаридан ўзим йиққан Зулфиянинг илмий ишлари ва мақолалари юзга етади.

Унинг ёзганлари билан танишиб чиқиб, аввал ғурурландим: ахир ўзбекдан жаҳон иқтисодини ҳам таҳлил қила олишга қурби етадиган олима чиқиши мумкин эканку! Сўнг афсусландим: нечун шу кунгача биз ўзбекистонликлар АҚШнинг етук иқтисодчи олимаси бўлиб етишган, ўзбекдан чиққан Зулфия Назарни билмаймиз?

Зулфия 1947 йил, 17 августда Олмониянинг Розенхайм шаҳрида туғилган. 1968 йилгача Мюнхен дорулфунунининг адабиёт факультетида ўқийди, 1970 йили Антиох коллежида адабиёт бўйича бакалавр илмий даражасини олади. Сўнгра турли журналларда адабий ходим бўлиб ишлаган. Лекин иқтисодга қизиқиши уни Нью-Йорк дорулфунунининг иқтисод факультетига етаклайди. 1976 йили шу факультетда илмий даража олади. 1977 йилдан 1981 йилгача дорулфунун қошидаги Иқтисодий тадқиқотлар институтида илмий ходим лавозимида ишлайди. 1981—82 йиллари институтнинг ёқилғи бўйича директори, 1982—83 йиллари эса «Контрол Дата Корпорейшн» номли марказда катта иқтисодчи бўлиб ишлайди. Мана шу ташкилотда янгилик кашф этган — Қўшма Штатларнинг бизнес бозорлари учун регионал иқтисодий модел яратган Зулфия бўлади.

1983—90 йиллари Зулфия АҚШнинг етакчи матбуот органлари («Форчун», «Дайжест», «Икономик аутлук», «Ю. ЭС. энд Уорлд Рипорт»)да иқтисодий шарҳловчи бўлиб ишлаб, ўз услубини такомиллаштирди, ўз мактабига асос солди.

Қўшма Штатларнинг ҳукуматга яқин турувчи энг муҳим ҳамда жуда катта таъсирга эга рўзномаларидан бири «Нью-Йорк Таймс» саналади. Бу рўзнома билан ғарбий дунёда барча ҳисоблашади. Ана шу рўзнома Зулфия Назарни шу йил январь ойида ишга таклиф қилиб, АҚШ ва жаҳон иқтисодини кузатиб боришни топширди. Март ойидан бошлаб рўзномада Зулфиянинг иқтисодга оид кўплаб мақолалари чиқа бошлади.

Форс кўрфазидаги уруш туфайли АҚШ банкларида рўй берган тангликни биринчилардан бўлиб Зулфия таҳлил қилди ва бу тангликни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берди. У «Иқтисодий сиёсат. Корея йўли» номли ишида Кореянинг иқтисодий йўналишларини таҳлил қилди.

АҚШда хазина сақланадиган ташкилот Федерал Резерв Фонди деб юритилади. Зулфия ўзининг «Федерал Резерв Фондидаги янги мунавварлар» номли катта мақоласида фонд бошлиқлари Алан Гринспан, В. Д. Ангелл, В. Л. Хёскинс ва Д. В. Муллинс фаолиятларини ҳар томонлама таҳлил қилиб берди. У ўзининг АҚШ матбуотида эълон қилинаётган кундалик муҳим иқтисодий масалаларга бағишланган таҳлиллари, шарҳлари билангина эмас, балки жиддий китоб ва монографиялари билан ҳам машҳурдир. Дунёга таниқли олим, иқтисод бўйича Нобель мукофоти лауреати Василий Леонтьев билан ҳамкорликда «Ёқилғи ҳисобланмайдиган маъданларнинг келажаги» номли тадқиқот яратган. Бу тадқиқот алоҳида китоб сифатида чоп этилган. Бундан ташқари, Зулфия яна В. Леонтьев ва М. Беверлар билан ҳамкорликда хом ашё ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда иккиламчи металлни қайта ишлаш таҳлилларига оид туркум илмий тадқиқотлар яратган.

Юқоридаги фикрларимни қоғозга туширар эканман, бир фикр хаёлимдан ўтди: нега сўнгги 30—40 йил ичида биздаги марказий матбуот органларида Иттифоқ иқтисодини таҳлил қилиб турадиган, ой сари ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қила оладиган бирор ўрта осиёлик чиқмади? Бунинг энг асосий сабаби ишончсизлик эмасми?

ОПА-УКА Зулфия ва Эркин Назарларнинг дунё миқёсидаги фаолиятлари бизнинг ёшларимизга ҳам ибрат бўла олади. Биз ривожланган мамлакатларга ўқиш учун қанчалик кўп талабалар юборсак, шунчалик кўп кенг тафаккурли, билимдон мутахассисларга эга бўламиз.

Ҳозирча эса марғилонлик Умурзоқ отанинг Вашингтондаги набиралари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Хайрулла ИСМАТУЛЛАЕВ**

**Вашингтон**

# ИЖОДКОРЛАР БИЛАН МАСЛАҲАТ

**Боши биринчи бетда**

Республикамиз оммавий ахборот воситалари ишида нуқсонлар йўқ эмас. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» билан «Ёш ленинчи»ни ва яна бир-иккита нашрларни истисно қилганда бошқа ойнома ва рўзномалар фаолиятини танқидий баҳоламоқ керак. Яхши умид билан ташкил этилган «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномаси анча суст чиқаётганлиги ачинарли бир ҳолдир.

— Янги парламент ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак,— деди нотиқ ўз сўзида. — Бугун жумҳуриятдаги барча партиялар, ҳаракатлар мустақиллик йўлида бирлашмоқлари, саъй-ҳаракатларини ягона мақсад сари йўналтирмоқлари лозим.

Оролни қутқариш жамоатчилик қўмитасининг раиси **Пирмат Шермуҳамедов** республикада экологик вазият ҳамон мураккаблигини таъкидлади. Навоий вилоятида, Оролбўйида аҳвол, айниқса, мураккаб. Бу ишга алоқадор кўпгина вазирликлар Президент Фармонларини, ҳукумат қарорларини бажармай келмоқдалар. Шундай вазирлар ҳам борки, улар олий йиғинларда раҳбариятни қўллаб-қувватлайдилар, амалда эса ишни бутун чоралар билан пайсалга солишга ҳаракат қиладилар.

Республикамизнинг, халқимизнинг неча юз минглаб моддий ва маънавий бойликлари, кўҳна тарихимиз гувоҳи бўлмиш осори атиқалар Москва, Ленинград ва бошқа марказий шаҳарларда сақланмоқда. Уларни қайтариб олишимиз зарур.

Адабиётшунос олим **Озод Шарафиддинов** республикани ҳозирги иқтисодий танглик ҳолатидан чиқариш йўллари хусусида фикр юритди. Бундай режани бизга иқтисодчи олимларимиз тузиб беришлари, бозор иқтисоди шароитида хўжалик юритишнинг энг мақбул йўлларини кўрсатишлари даркор. Чет эллар билан иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамламай туриб бу йўлда яхши натижаларга эришиш қийин. Бунинг учун эса биз мустақил пул бирлигимизга, банкимизга эга бўлишимиз керак.

Учрашувда адиблардан Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Ҳафиз Абдусаматов, Барот Бойқобилов, Шавкат Раҳмон, Тўра Мирзо, Собит Мадалиев, Хуршид Даврон, Муҳаммад Али, Азим Суюн, Зоҳир Аълам, Йўлдош Сулаймон, Умарали Норматов ва Худойберди Тўхтабоев ҳам сўз олиб, ўзларини ҳаяжонга солаётган, ечимини кутаётган муаммолар хусусида сўзладилар. Давлат тили тўғрисидаги қонун суст амалга ошаётгани айтиб ўтилди. Архив ҳужжатларидан, хусусан партия тарихи архивидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши, ёш авлод тарбияси билан янада чуқурроқ шуғулланиш, унинг маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш зарурлиги, фалсафа, тарих ва адабиёт дарсликларини кескин янгилаш лозимлиги ва шу каби бир қанча масалалар ўртага қўйилди.

— Жумҳурият раҳбари сифатида мен сизлар билан тез-тез кўришиб, маслаҳатлашиб туришим керак, — деди **И. Каримов** учрашув якунида. — Бундай учрашувлар Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган ушбу кунларда ғоят муҳимдир. Чунки сизлар ҳамиша халқ ичидасизлар, одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари сизларга яхши маълум. Халқимизга мустақиллик, шубҳасиз, керак. Агар Ўзбекистон чинакамига мустақилликка эришмаса, унинг халқи ҳам чинакам фаровон бўла олмайди. Фаровонликни эса юқоридан тушадиган буйруқлар, қуруқ ваъдалар, сийқа ваъзхонликлар билан таъминлаш мумкин эмас. Демакки, биз ўзимиз танлаган йўлни, яъни халқимизнинг хоҳиш-иродаси бўлмиш мустақиллик йўлини қатъият билан давом эттиришимиз зарур. Бунда биз сиз, ҳурматли ёзувчиларга ишонамиз ва таянамиз.

Президент шундан сўнг мустақиллик йўлида амалга оширилган ва оширилаётган ишлар ва ечимлардаги мавжуд хато ва камчиликларга тўхталиб ўтди. У республика раҳбариятининг бу борадаги фаолиятини танқидий баҳолаб, жумладан шундай деди: Камчилик ва хатолар ҳаммада, шу жумладан менда ҳам бор. Бу хатоларни ўз вақтида сезишимиз ва тузатишимиз зарур.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ишини яхшилаш, телевидениени чуқур ислоҳ қилиш тўғрисидаги танқидий мулоҳазаларга тўла қўшиламан, — деди И. Каримов сўзининг охирида. — Бу ишлар билан шуғулланадиган кишилар масъулиятини янада ошириш лозим. Матбуот саҳифаларидаги танқид адолатли, инсон шахсиятига тегмайдиган бўлиши керак.

Учрашувда Ўзбекистон жумҳуриятининг мустақил ахборот агентлигини қарор топтиришга, Ўзбекистон ижодкорлар жамғармасини ташкил этишга келишиб олинди. Адиблар жумҳурият раҳбариятининг, шахсан Президентнинг мустақиллик йўлида олиб бораётган ишларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаяжакларини маълум қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президент Кенгашининг аъзолари — Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Шукрулло, Ҳ. Худойбердиева, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

**А. МЕЛИБОЕВ**

# АДАБИЁТ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

**Боши биринчи бетда**

Улар ва бошқа ҳамма ёзувчилар ҳам осойишта яшаб, эркин ижод қилганларида, адабиётимиз қанчадан-қанча наф кўриб, қандай даражада юксалишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қурултойимиз инсоний ва умуминсоний ҳақ-ҳуқуқларни поймол қилишдай бу ноҳақликларга баҳо бериши, чинакам халқчиллик, ижодий эркинлик борасида ёзувчиларга кенг йўл очишга даъват қилиши лозим. Аввалги хато ва зўравонликлар, қонунсизлик ва қонунбузарликка жамиятимизда мутлақо ўрин йўқ ва бунга сира-сира ўрин қолмаслиги керак!

БАДИИЙ АДАБИЁТНИНГ партиявийлиги тўғрисида гап борганда, кўпчилик мунаққидлар В. И. Ленинга суянадилар. Эмиш, Ленин бадиий адабиётдан партиявий бўлишни талаб қилганмиш. Янглишадилар. Негаки, Ленин ҳеч вақт бадиий адабиёт қандай бўлиши кераклиги ҳақида кўрсатма бермаган. У бадиий адабиётни қанчалик яхши тушунса-да, Лев Толстойдай улуғ ёзувчи ижоди ҳақида етук адабиётшунослардай тадқиқ-таҳлил асари ёзган бўлса-да, адабиёт ва санъат ишларига билиб-билмай аралашмаган.

Лениннинг машҳур асари — «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номли рисоласи умуман сиёсий адабиётга, партия ташкилотининг ғоявий-сиёсий ишига қўлланма бўладиган сиёсий, фалсафий, тарғибот ва ташвиқот қуролларига, партия ташкилотларининг амалий ишларига ёрдам берадиган адабиётга қаратилган.

Шўро адабиёти, шу жумладан, ўзбек шўро адабиёти, синфий кураш қуролига айлантирилган замонлар бўлди. Синфий кураш байроғи остида бола отага қарши, ака-укалар баррикадаларнинг икки томонида жанг қилди ва бу ғирром ҳақиқат кўп ўринда адабиётимизнинг объекти, безорилар эса адабиёт субъекти — қаҳрамонлар бўлиб хизмат қилдилар.

Адабиётнинг олий принципи «халқ ғамини» чекишдир. Айниқса, унинг бадиий публицистикаси ана шу юқорида зикр қилинган бузилишлар, ботқоқ сўқмоқлар тўғрисида қайғуриб бонг урмоғи табиий. Қайта қуриш жараёнида, ошкоралик даврида жанговар ўзбек мақоланавислиги бирдан бош кўтариб, ғафлат уйқусидан уйғониб кетиши қурултой оралиғидаги воқеаларнинг зўри бўлди. Одил Ёқубов, Шукрулло, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Пирмат Шермуҳамедов, Дадахон Нурий ва бошқа бир неча ёзувчиларнинг жанговар мақолалари қайта қуриш даври муаммоларини бартараф қилишга адабиётимиз қўшган катта ҳисса деб биламиз.

Қайта қуриш даври адабиёти жанговар мақоланавислик билан бир қаторда янгича қарашлар, фикрлар билан, ўткир насрий, шеърий, драматик асарлар билан бойиганини ҳам кўриб турибмиз. Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар», Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романларини кейинги йиллардаги ана шундай савоб ишлардир, дегим келади. Хайриддин Султонов, Нортўхта Қиличевнинг янги қиссаларини ошкоралик даврида санъаткорнинг дадил ва пухта айтган янги сўзи, деб биламан.

Шароф Бошбековнинг «Темир хотин», Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Пуч» драмаларини алоҳида тилга олгим бор. Бу ҳар иккала драма қайта қуриш даври драматургиясининг карвонбошиси демакдир. Қайта қуриш мусиқали драмага ҳам жону қон киритди. Рамз Бобожоннинг «Юсуф ила Зулайҳо»си, Ҳамид Ғуломнинг саҳналаштирилган янги асари Муқимий номидаги мусиқали театримизни бир вақтлар аразлаган томошабинлар билан яраштириб қўйди. Яна бир неча асарлар туфайли Муқимий театри томошабин билан гавжум.

Қурултойимиз эътиборига кўндаланг турган муаммолар анчагина. Бир вақтлар бой ва нозик тилимизни динга бериб юбориб, уни дағал ва таржима тили қилиб қўйдик. Хайриятки, зиёлиларимиз ва айниқса, ёзувчиларимиз ҳаракати билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу оламшумул воқеа, маданиятимизнинг катта ютуғи булди, бироқ бу қонун жуда суст амалга ошмоқда. Тилимизда кўрмак кўпайиб, хилма-хиллик пайдо бўлмоқда. Атамақўмимиз ўзига берилган ҳуқуқдан фойдалана олмаяпти. Унинг ишига халақит берувчилар кўпайиб қолди. «Тилга эътибор — элга эътибор», дейдилар. Ёзувчилар қурултойи ўз қуроли бўлмиш адабий тилимизнинг софлигини ҳимоя қилади, деб ўйлайман.

Икки қурултойимиз оралиғи — қайта қуриш даври бўлди ва бу даврда ўзбек адабиёти жон-дили билан қайта қуришга хизмат қилди. Экологияни ҳимоя қилиш, пахта якка ҳокимлигидан қутулиш, мева, сабзавот, дон экинзорларини кўпайтириш учун курашда ёзувчилар олдинги сафда бордилар, тўғрироғи, ташаббусчи бўлиб майдонга чиқдилар.

Пирмат Шермуҳамедов, Мирза Кенжабоев, Гулчеҳра Нуруллаева, Муҳаммад Солиҳ, Аҳмад Аъзам, Дилором Исҳоқованинг жонбозлигини алоҳида таъкидламай ўтолмайман. Уларнинг куюнчаклик билан бошлаган ҳаракатлари дастлаб моneликка учраса-да, натижаси ёмон бўлмади. Барча жонкуяр ёзувчиларнинг жонбозлиги билан Орол фожиаси давлат аҳамиятига молик масала қилиб кўтарилди, бутун мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигининг эътибори Орол денгизи муаммоларини ҳал қилишга қаратилди. Ўзбек ёзувчиларининг жонбозлиги туфайли Тошкентнинг ўпкаси бўлмиш Бўстонлиқ экологик ҳалокатдан сақлаб қолинди. Адабиёт аҳлининг бу соҳада халққа манзур иш қилганидан мамнун бўлсак арзийди.

Қурултойимизда ўзбек адабиётининг келажак йўли, бадиий принциплари янгича талқин қилиниши қутилмоқда. Ярми асал, ярми заҳар, ижобий-салбий қаҳрамонлар мезони энди ҳеч кимни қониқтирмайди. Одамни яхши ёмонга ажратиб бўлмайди, адабиёт унинг характерини тадқиқ қилади.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ўз бақувват анъаналари асосида ривожланиши керак. Адабиётимизга доғ тушириш учун атайлаб ўйлаб чиқарилган «пантуркизм», «панисломизм» сингари малъун сиёсий тамғаларни тамомила ва таг-томири билан ўпириб ташлаш даври келди. Миллий чегараланиш баҳонасида бузиб юборилган туркий халқлар бирлиги, туркий тиллар асоси, маданият бирлиги тикланиши ва ривожланиши имконияти туғилди. Бу соҳадаги амалий ишлар ўзимизга боғлиқ бўлиб қолди. Қурултойимиз бу масалаларда ҳам муҳим фикр айтишига аминман.

Адабиётимиз қурултойида асосий йўналишимиз принциплари ҳақида турлича фикрлар баён бўлар. Майли. Ҳар гулнинг ҳиди бошқа. Ҳар ким ўзига, адабиётга, жамиятга маъқулини танлаб олади.

**«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИГА**

**Ҳурматли ҲАЙЪАТ!**

**Менинг 75 ёшга тўлишим муносабати билан билдирилган иззат-ҳурмат учун, самимий қутловлар, дуоисалом ва телеграммалар юборган дўст-биродарларга, ташкилотлар, жамоаларга, матбуот, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарларига, ижодий уюшмалар бошқарувларига ҳафталик орқали самимий миннатдорчилигимни изҳор қилишларингизни сўрайман. Ташаккур!**

**Иброҳим РАҲИМ**



Республикамиз пахтакорлари уйган хирмон тўрт миллион тоннага яқинлашиб қолди. Йиғим-теримда техникадан унумли фойдаланилаётгани айниқса қўл келмоқда.

СУРАТДА: Жиззах вилояти Арнасой туманидаги Юлиус Фучик номидаги давлат хўжалиги илғор механизатори Шавкат Эрматов

А. ТЎРАЕВ суратга олган

# УЮШМАНИНГ ДАРОМАД МАНБАИ БОРМИ?

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ўтиш жумҳурият Ёзувчилар уюшмасини ҳам анча танг аҳволга солиб қўйди. Чунки уюшма аъзоларига компенсация сифатида тўланаётган маблағлар ўрнини мунтазам тўлдириб туриш масаласини ҳал этмоқ керак. Уюшма бошқаруви, шунингдек, уюшманинг вилоятлардаги бўлимлари харажатларини қоплаш ҳам жиддий масаладир. Бугунги шароитда зарарга ишлайдиган, ўз харажатларини қоплай олмайдиган, фойда келтирмайдиган ташкилот бўлмаслиги керак. Ҳар қандай кичик ташкилотда ҳам албатта хўжалик ҳисоботини биладиган раҳбар ўлтириши керак.

Бироқ ҳозирги кунда айрим эскича шароитга ўрганиб, тайёрига айёрлик кайфиятига кўникиб кетган кишилар жуда кўп. Улар нўноқларча фалсафа юритмоқдалар. Гўёки Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимларидаги ходимлари бекордан-бекорга маош олаётган эмиш. Уларнинг фикрича, ё бўлимни тугатиш ёки икки-учта вилоят бўлимини бирлаштириш тўғри бўлар экан. Ҳозир вилоят бўлимларида масъул котиб, маслаҳатчи, котиба-машинистка, ҳайдовчи вазифалари мавжуд. Баъзи вилоятларда уюшма ҳузуридаги бадиий адабиётни тарғиб қилиш бюросининг вакили ҳам бор. Вилоят бўлимида ишлаётган ходимлар бир ойда бир марта почта орқали маош оладилар. Масъул котиб (қўлга тегиши) 202 сўм, маслаҳатчи 142 сўм маош олади. Кўриниб турибдики, бугунги нарх-наво шароитида компенсацияни қўшганда ҳам бу ойлик ҳеч нима бўлмайди.

ХЎШ, ЖУМҲУРИЯТ Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимларида беш-олти нафар ходимнинг маошини, шунингдек, иш юритиш учун сарф этиладиган бошқа харажатларни қоплаш имконияти борми? Бунинг учун нима қилиш керак? Биринчи навбатда, бўлимни Ёзувчилар уюшмасининг вилоятлардаги мустақил ташкилотига айлантириш лозим. Унга қўшимча ҳисобчи-кассир, ҳайдовчи ва бошқа зарур ўрин бериш керак. Сўнгра бўлимнинг банкдаги ўз ҳисобини очиш, ифодали қилиб айтганда «қозон-товоғини алоҳида қилиб», хўжалигини ажратиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунга даромад манбалари қилиб, адабий учрашувлар, алоҳида турли хил пуллик хизмат кўрсатиш, бўлим қошида бирор хилдаги кооператив очиш, ёрдамчи хўжалик ташкил этиш сингари тадбирларни қўллаш мумкин. Умуман олганда, имконият кўп. Фақат ишга қизиқиш, иштиёқ бўлса бас.

Энди масаланинг бошқа жиҳатига тўхталсак. Уюшмамизнинг вилоятлардаги бўлимларини тарқатиш ёки қўшиб юбориш, қолган иш жойларини ҳам қисқартириш керак, деяётган кишилар масалага бир томонлама ёндашмоқдалар. Чунки бугунги кунда бир ярим миллион кишилик аҳоли истиқомат қилаётган Наманган вилоятининг маънавий юксалиши учун ҳам жойларда Ёзувчилар уюшмаси фаолияти зарурлигини тақозо қилади. Ҳозир Наманган вилоятида 16 нафар СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бор. Ҳисоблаб кўрсак, ҳар бир ёзувчига юз минг киши тўғри келар экан. Биринчидан, уюшма аъзолари сонини кескин кўпайтириш шу куннинг талабидир. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. 1983 йилда ҳурматли устозимиз Сарвар Азимов ташаббуси билан уюшма котибиятининг вилоятлардаги кўчма мажлислари ўтказилган эди. Натижада, бир йилнинг ўзида уюшма сафига юздан зиёд истеъдодли ёш ёзувчилар қўшилган эдилар. Ҳозир уюшмага кириш учун бизнинг вилоятимизда ҳам ўнга яқин асарлари эълон қилинган ёзувчи тайёр турибди. Улар яна кўчма мажлис ўтказилишини талаб этмоқдалар. Яна кўчма котибият йиғилишлари ўтказилса айни муддао бўларди. Иккинчидан, бир ярим миллионли аҳоли билан ишлайдиган ёзувчилар ташкилоти кучли ва мустаҳкам бўлмоғи зарур.

Ёзувчилар уюшмасига ҳар томондан қилинадиган тазйиқларга чек қўйиш лозим. Маълумки, уюшма бошқарувининг ҳайъати сайланади. Раҳбарият сайлангач, улар ўзлари эркин иш олиб боришлари керак бўлади. Бироқ уюшма раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишга ҳамон эскича муносабатларни ҳис этиб турибмиз. Кимлардир уюшмага ўзлари учун мақбул кишиларни ўтказиб қўйиш, мақбул бўлмаганларни эса уюшмадан четлатишга уринмоқдалар. Бундай ҳолат билан келишиб бўлмайди.

Биз уюшманинг бўлажак қурултойи юқоридаги масалаларга ҳам муносабат билдиради, деган фикрдамиз.

**Абдулла ЖАЛИЛ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлимининг масъул котиби**

МУҲАРРИРГА мактублар

# МЕҲР КЎНГИЛНИ ЮМШАТАДИ

Дилимни бир нарса қийнаб келади. У ҳам бўлса меҳр, оқибат, инсофнинг кун сайин йўқолиб бораётганлигидир. Ҳозир одамлар бозор иқтисодиётига ўтилганлиги сабабли нарсаларнинг 3—4 баравар қиммат нархда сотилаётгани-ю, болаларга тўланадиган кийим пули оширилганлиги ҳақида кўп гапиришаяпти. Кўпгина кишилар бу пулга болаларига уст-бош олиб бера олишмаётганлигидан нолишаяпти. Бу сўзларни эшитиб ўйланиб қоламан. Биз шакар, ун, туз, совун ва бошқа камёб моллар нега йўқ деб куюнамиз-у, лекин орамизда меҳр-оқибатнинг кун сайин йўқолиб кетаётганлиги ҳақида лом-мим демаймиз, ҳатто у эсимизга ҳам келмайди. Нега биз кун сайин инсофдан узоқлашиб бораяпмиз. Наҳотки, биз шу аҳволга тушиб қолдик? Оғир синовларни бошдан кечираётган дамда бир-биримизга нисбатан шафқатли, оқибатли, диёнатли бўлишимиз керак. Биз меҳрли ва инсофли бўлсаккина, маънавий қашшоқликдан қутуламиз. Ҳафталик саҳифаларида ҳам шу мавзуларда ёзилган мақолалар кўпроқ бериб борилса. Зора, кўнглимиз юмшаса.

**Мавлуда РАҲМОНОВА**
**Сурхондарё**

# ШУКРУЛЛОНИНГ КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

*ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ШУКРУЛЛО 70 ЁШДА*

Одил ЁҚУБОВ

## ҚАРЗДОРМАН

Мен Шукрулло ака тўғрисида кўпдан бери бир гап айтишни ният қилиб юрардим. Бу ниятим сурилиб-сурилиб, пировардида қурултой кунларига тўғри келиб қолди-ю, мақола ёзишнинг иложи бўлмади. Чунки мен Шукрулло аканинг деярли ҳамма достонларини, кўплаб шеърий китобларини, драмаларини, хусусан, «Жавоҳирлар сандиғи», «Кафансиз кўмилганлар» деган насрий асарларини жуда яхши биламан. Нафақат, биламан, балки юксак баҳолайман. Вақти келиб, ниятимга етарман, яъни Шукрулло ака ҳақида ўйлаб қўйган мақоламни ёзарман. Ҳозирча эса атоқли шоиримиз билан боғлиқ ибратли бир воқеани ҳикоя қилиб бераман.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига муҳаррирман. Бир куни Шукрулло ака телефон қилиб қолдилар: «Одил, Тошкентга Чингиз Айтматов келган. У ҳукумат меҳмонхонасига тушган. Мен Чингизни меҳмонга чақирдим. Машинангда уни олиб келсанг. Бир мириқиб отамлашсак».

Чингиз Айтматовни унинг уйига олиб бордим. Ҳали меҳмонлар йиғилмаган эди. Чингиз Шукрулло акага «Бир нима ёздингизми, янгилик борми, бўлса ўқийлик», деди. Шукрулло ака «Янги бир достон устида ишлаяпман, қоралаб қўйдим, номи «Аср баҳси», деб жавоб берди. Чингиз «Бир бобини бўлса-да ўқиб беринг, оқсоқол», деб илтимос қилди. Шукрулло ака янги асарининг бир бобини ўқиб берди. Бу бобда инсоннинг табиатга беписанд муносабати, гўзал боғларимиз, гулзорларимиз, пахтазорларимиз устига сепилаётган заҳарли дорилар ва бунинг оқибатида бир маҳаллар оқизоқ ўйнаган ариқларимизнинг сувлари оғуга айланганлиги, инсонлар насли бузилаётганлиги, болаларимиз майиб бўлиб туғилаётганлиги, бу ҳам етмагандек, ер курраси узра атом уруши хавфи чархпалак қилиб юргани ҳақида шоирнинг нотинч, безовта ўйлари бадиий тиниқ сатрларда ифода этилган эди. Достон, тўғрироғи, унинг ўқилган қисми Чингиз Айтматовга жуда маъқул бўлди.

— Оқсоқол, — деди Чингиз жуда ҳаяжонланиб, — сиз бутун инсониятни ташвишга солаётган фалсафий теран асар ёзибсиз. Чин юракдан табриклайман. Келинг, Сизни бир қучоқлаб ўпай.

Достон менда ҳам яхши таассурот қолдирди. Ўша давр учун уни анча дадил, ўткир асар дейиш мумкин эди. Биз уни ҳафталикда чоп этишга қарор қилдик. Муҳаррирларга юққан эҳтиёткорлик сабаб мен ўз сўзбошимда «Аср баҳси» ҳақида Чингиз Айтматов берган баҳони тўла келтирдим ва унга суянган ҳолда достонни эълон қилдик. Эълон қилдигу, ўша пайтлардаги жумҳуриятимизнинг идеология раҳбаридан балога қолдик. Кутганимга қарши, ҳатто Чингиз Айтматов берган юксак баҳо ҳам на асарга, на менга қалқон бўла олди. Бир ойгача шоирнинг ҳам, менинг ҳам қулоғимиз тинчимади. Ҳар куни чақир-чақир, ҳар куни дашном. Бугун бу гаплар кулгили туюлади. Лекин у кунларда куладиган аҳволда эмас эдик. Масала шу даражага бориб етдики, достон Ёзувчилар уюшмаси секретариатида муҳокама қилинди. Энг ачинарлиси, секретариатда муҳокамада қатнашган ижодкорларнинг аксарияти достонни ғоявий хато, шоир порлоқ ҳаётимизни қоралаган, деб топишди. Баъзилари ҳатто Чингиз Айтматов асарга бундай юксак баҳо бериши мумкин эмас, Одил Ёқубов бу гапларни ўзи ўйлаб топган, деган фикргача боришди.

Маълумки, бундай ҳодисалар адабиётда кўп бўлган. Сабаби халқ ҳаётининг чуқур томонларини, даврнинг катта дардларини кўтариб чиққан ҳар бир асар мунозарасиз, «тинч» ўтиб кетмайди. У ҳамиша катта баҳсларга сабаб бўлади. Шукрулло аканинг кўп асарлари ана шундай баҳс-мунозараларга, тортишувларга сабаб бўлган. Шукрулло аканинг энг сўнгги «Кафансиз кўмилганлар» деган насрий асари ҳам ана шундай тортишувларга сабаб бўлди. Бу нарса етмишга тўлган адибнинг ғайрати, шижоати, бадиий камолотидан далолат беради. Омон бўлинг, Шукрулло ака, сиз ана шундай асарлар ёзаверинг, биз ўқийверайлик. Қолган гапларга қарздорман.



СУРАТДА: Шукрулло ҳамкасблари даврасида

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

Расул ҲАМЗАТОВ

## *ДЎСТЛАРИМ*

Мен учун энг яхши жой — дўстларим кўп бўлган маскан. Ўзбекистон ана шундай юртлардан бири. Бу ерда мен Ғафур Ғуломникида меҳмон бўлганман. Ойбек билан яқин эдим. Шайхзода ва Миртемир шеъриятини дилдан севардим. Улкан тақдир эгаси, ажойиб хислатли, зукко Зулфияхонимни мудом эъзозлайман. Шукруллодек ажойиб ўртоғим бор. Уникига кўп марта борганман. Асарларидан шарқона фалсафий фикрлар, ҳикматлар ва ғоят нозик туйғулар уфуриб туради. Шунинг учун мен уни эркалаб «Шукур, олло!» деб чақиришни хуш кўраман. У тўла маънода ҳақиқат куйчиси. Ҳақиқатни улуғлаган шоир эса доим сафдадир.

Римма ҚАЗАҚОВА

## ДОНИШМАНД ИНСОН

МЕНИНГ ИЖОДИЙ ҲАЁТИМ Шукрулло билан, бу донишманд оқсоқол, бироқ қалби боладай пок, ҳамиша жилмайиб турадиган ажойиб шоир билан у ёки бу даражада боғланган. Ҳа, ҳақиқатан у хушчақчақ инсон, унинг чеҳрасидан табассум ариган вақтни эслай олмайман. Ҳатто осилиб тушган қовоқларига, дардли сўзлар айтишга мойил лабларига ҳам кулги ёйилиб туради. Унинг бу табассуми бағрида инсонларга нисбатан яхшилик ва хайрихоҳлик учқунлари бор бу учқунлар бошқаларга ҳам осонгина юқади. Уларни ҳам яхшиликка, яратишга, мулоҳаза юритишга чорлайди.

Мен унинг шеърларини ҳам ўз шахсидан айри тасаввур қила олмайман. У ҳақиқий шоир ва инсон сифатида ўз-ўзини тўлдиради. Айни пайтда, табиат ҳам бундай шоирларни яратиш билан ўз-ўзини чуқурроқ англатмоқчи бўлгандек таассурот қолади.

У жиддий, айни пайтда жиддий ҳам эмас, жиддийлиги остида қандайдир ним табассум бор. Мана, биз уйда дастурхон атрофида ўтирибмиз. Суҳбат мавзуи унинг ҳаётининг фожиали даври ҳақида борарди.

— Шукрулло ака, Сизни нима учун қамашган? — меҳмонларимдан бири саволга тутади.

— Елпиғич учун...

— Елпиғич учун?.. Қанақасига, қандай қилиб, елпиғич учун наҳотки қамаш мумкин?

Ҳа, 50-йиллар қатағонида Шукрулло ҳам жабрланган ва беш йил қамоқларда ўтириб чиққан. Қамоқ сўзини эшитгач, унинг юзлари бирдан тундлашади, кўзлари чарақлайди, кейин аста-секин чеҳрасига табассум ёйилиб, елпиғич тарихини — семиз дўстларидан бирига туғилган кунида елпиғич совға қилганини, бу елпиғич биринчи елпишдаёқ бузилиб қолганини ҳикоя қила бошлайди. Ўшанда шоир сотувчи олдига бориб елпиғичнинг бузилиб қолганини айтади. Сотувчи эса ҳазиллашиб: «Хўш, сизлар бу елпиғични қандай ишлатдингизлар? Елпиғич билан юзни елпидик дейсизларми? Ана, ана, шу нотўғри бўлибди. Ахир елпиғични юз атрофида эмас, юзни елпиғич атрофида айлантириш лозим эди...» дейди. Бу ҳазил Шукруллога ёқиб тушади ва уни бир-икки марта давраларда айтади. Ана шундан айб қўйишади: шоир совет савдосини ҳақорат қилувчи латифа тўқиб юрибди.

Шоир бу гапларни кула-кула, ҳикоясидаги ўша ҳолатларни бир-бир кўрсатган куйи айтиб берди.

Хўш, Шукрулло ўз ҳаётининг фожиали даврини эслаб ҳазил қилаётибдими? Билмадим. Уни бирдан англаш қийин: у қўрқинчли воқеаларни ҳам кулги билан, айни пайтда дадил, ишончли қилиб, ҳатто ўзини жиндай айбдордай қилиб ҳикоя қилади. Эҳтимол, бу ўзига айб қўйган одамлар учун ҳам уялганидандир...

Тўғри, бир гал уни одатдагидан бутунлай бошқача қиёфада кўрганман. Бунга ҳам йигирма йиллардан ошди. Ўшанда уйдагилар ҳам уни танимай менга «Сени кимдир сўраяпти?» дейишган.

Пастга тушиб эшик олдида кўзлари киртайиб кетган, қош, киприкларига чанг гардлари илашган, қайғу ва чарчоқ туфайли оёқларида зўрға турган ардоқли дўстим Шукруллони кўрдим. У шундай қиёфада эдики, гўё уйга кирса, унинг дард ва қайғуларини бино ҳам кўтаролмай қулаб тушадигандек эди. У ўшанда Тошкент зилзиласига бағишланган достонини олиб келганди. Достонда юрт тақдири учун дард-алам сизиб, муҳаббат ва ишонч балқиб турар, айни пайтда авторнинг руҳий ҳолати ҳам буни тўла намоён қиларди. Уни жуда тез таржима қилдим. Дарров «Огонёк» саҳифаларида эълон қилинди. Бу бизнинг ўзбек халқи бошига тушган ташвишларга ҳамдардлигимиздан бир нишона бўлди...

Мен Шукруллонинг кўп асарларини ўгирганман ва ҳар гал уларни ички бир ҳаяжон билан таржима қилганман. Чунки мен бу асарларда ўзимни қизиқтирган жуда кўп саволларга жавоб топганман, ижодий рағбат олганман.

Биз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам шунчаки дўст эмасмиз, шоир Михаил Луконин айтмоқчи, ғоят қадрдон дўстмиз, бир-биримизни ардоқлайдиган ижодкорлармиз. Шукрулло ўзининг майин табассуми ва дўстларча куюнчаклиги билан турли йилларда, ҳар хил давраларда, турли ҳолатларда менинг ҳаётимда муҳрланиб қолган.

Шукруллонинг ҳаётда бўлганидек, асарларида ҳам донишмандлиги яққол сезилиб туради. Шеърлари ўқувчини ўйлатади, фикрлатади, баҳсга чорлайди. У шоир сифатида ҳеч вақт даврдан орқада қолган эмас, шунинг учун шеърларидаги фалсафа ҳам инсон учун доимо хизматда. У бир нарсага — кўҳна дунёни яхшилик ва муҳаббат билан, гўзаллик ва садоқат билан қайта қуришга қаттиқ ишонади. Ва биз ҳам бу донишманд шоирнинг умидлари бир кун амалга ошишига дилдан ишонамиз.

Давид ҚУҒУЛТИНОВ

## ДАВР КУЙЧИСИ

МЕН ҚАЧОН ИЖОДГА бутун вужуди билан берилган, шоир бўлиш учун ўзини мажбурлаб шеърлар ёзадиган эмас, балки ижод қилмаса тура олмайдиган, яратганнинг илоҳий қудратидан баҳраманд бўлган ҳақиқий шоир образи ҳақида ўйласам, кўз ўнгимга дарров ажойиб дўстим Шукрулло келаверади. У, шубҳасиз, ҳақиқий шоир. Бундай шоирлар ҳамма замонларда ҳам яшаб ўтган ва ўз даврининг куйчилари бўлишган. Айтайлик, XVIII асрда ҳам Шукруллодек шоирлар бор эди ва улар ўз замонига сидқидилдан хизмат қилган. Бизнинг давримизда эса замондошимиз Шукрулло ана шундайлардан биридир. У ҳақиқий шоир сифатида ўз елкасида асримизнинг қувонч ҳамда дардларини ортмоқлаб ўтмоқда.

Ҳар гал Тошкентга борганимда Шукрулло билан албатта учрашаман. У билан шаҳар кўчаларини кезаман, бозорларини бирга айланамиз. Бу менга ҳузур бағишлайди. Энг қувончлиси шундаки, бозордаги сотувчилар ҳам, олувчилар ҳам Шукруллони кўрганда қўлларини кўксига қўйиб, ҳурмат-иззат билан, хурсандчилик билан саломлашадилар.

Ҳа, уни ҳамма танийди, ажойиб шоир ва самимий инсон сифатида билади. Уларнинг муносабатларида, мен Шукруллога фақат инсон сифатидаги хайрихоҳликни эмас, балки қалбларидаги дардларни англаб етган ва бу дардларни шеърий сатрларга жойлай олган ҳақиқий шоирга нисбатан бўлган олижаноб туйғуларни ҳам кўраман.

Шукрулло ҳамиша бахтиёр инсон каби юзидан табассум аримайди, афсуски, мен шоирлар қалби ҳамиша бахт билан лиммо-лим тўла бўлмаслигини яхши биламан. Лекин, начора, шоирлик бу — дардларни ўзингга олиб бўлса-да, бошқаларга бахт улашишдир. Шукрулло ҳам ана шундай шоир, унинг шеърлари ҳам, бошқа асарлари ҳам ана шундай руҳда ёзилган. Шоирнинг ижоди, унинг шеърияти ҳақида гап кетганда, ундаги яна бир хусусиятни — табиийликни алоҳида таъкидлашни истардим. Шеърларини ўқир экансан, сўзлар, фикр, куй, оҳанг — ҳаммаси табиий равишда қуйилиб келгандек, ўз-ўзидан яралгандек таассурот қолади.

Мен уни шоир сифатида жуда ҳурмат қиламан, айни пайтда, ёмон одам шоир ҳам бўлолмайди. Ёмон одам шоир бўлишга уриниши, худди машиналар сингари оҳангларни бир-бирига қалаштириши мумкин. Аммо уларда қалб бўлмайди. Шукрулло эса қалби гўзал инсондир. Шукрулло — шоир, давримизнинг ҳақиқий шоиридир.

Шунинг учун ҳам мен у ҳақдаги дўстона қалб сўзларимни мамнуният билан изҳор этаман. Шеърлари тўғрисида тўлиб-тошиб сўзлайман. Ва ўйлайманки, менинг бу сўзларимни муштарийлар Ўзбекистонга, Тошкентга, буюк маданиятли қадимий халққа ва ҳар нарсага қодир, яратувчи қуёш ҳамиша балқиб турадиган юртга нисбатан тилакларим сифатида қабул қиладилар.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

## ШОИР

БУ МАҚОЛАМГА АТАЙИН «ШОИР» дебгина ном қўя қолдим. Ҳа, атайин шундай дедим. Бўлмаса, «Катта шоир», «Атоқли шоир», «Ҳақиқий шоир» ва шу каби турли сифатлар қўшилган дабдабали сарлавҳалар қўйиш ҳам қўлимдан келарди. Бироқ, менимча, шоир деган биргина сўзда бир олам маъно бўлиб, бу калом замирида турли сифатлар табиий равишда мавжуд, балки яшириниб ётар унинг туб-тубида.

Қалби кенг ва улкан бўлмай туриб, киши шоир бўлолмайди. Демак, шоир сўзида катта, улкан деган маънолар ўз ифодасига эга.

Эларо танилмаган, атоқли бўлолмаган киши шоир деб айтилмайди. Шоир албатта эларо, мамлакатлараро танилган, кўча-куйда халойиқ «шоир фалончи кетяпти», «фалончи шоир мана шу одам» дейдиган сиймо бўлади.

Шоир ҳақиқий бўлмаса, уни шоир деб бўлмайди. Фақат ҳақиқий ижодкорларнигина шоир дейиш мумкин ва лозим. Ҳақиқий ижодкор бўлмаган кимса шоир эмас ва дунё тўққиз қайта айланиб келганида ҳам шоир бўлолмайди.

Шоир деган калом замирида мен яна сезгир ва дилгир, дилкаш ва меҳнаткаш, одамохун ва ўрни келганида, ўта ўжар, сахий ва самимий, одамшаванда ва гап келганида отасини ҳам аяб ўтирмайдиган бетга чопар, элим, юртим дея жонидан ҳам кеча оладиган ватансевар ва ватанпарвар, миллат қайғуси ҳатто тушига ҳам кириб чиқадиган, лекин бой ҳам эмас, камбағал ҳам эмас, яъни бир нави турмуш кечирадиган инсон сийрати мавжуддир. Унинг учун тақвимларда байрам сифатида белгилаб қўйилган кунларгина эмас, балки матбуотда асари, нашриётда китоби чиққан, театрда пьесаси қўйилган кун тўйдир. Мен тушунган том маънодаги шоирлар (афсуски, улар кўп эмас) ҳақида яна кўп ва хўб гапларни айтиш мумкин. Мана шундай шоирлардан бири шоир Шукруллодир.

Шоир Шукрулло! Икки сўздан иборат бу ибора бугунги кунда Ўзбекистонимиздан ташқари Ғарбу Шарқда, Санкт-Петербург, Москва, Қозон ва Уфада, Қалмоғистону Шимолий Кавказда, Кавказорти ва Туркистон жумҳуриятларида ва бошқа элларда ҳам машҳур.

Фуқаро Шукрулло Юсупов бундан ярим аср аввал шоир Шукрулло сифатида танилган экан, ҳамон шу номни шараф билан оқлаб келмоқда. Шу мақолани ёзиш асносида мен унинг ижодини яна бир бор кўздан кечириб чиқиб, шунга тўла ишонч ҳосил қилдимки, Шукрулло шеър ёзганида қанчалик шоир сифатида кўринса, мақола ёзганида ҳам, пьеса битганида ҳам, қисса ва роман яратганида ҳам шунчалик намоён бўлади. Бу ўринда жанрни кўзда тутаётганим йўқ, балки фикрни теран ва шоирона ифодалашни инобатга олмоқдаман.

Лекин барибир Шукрулло ижодида шеърият етакчи ва салмоқли ўринни эгаллайди. Шу шеърияти туфайли у элга танилди, худди шу шеърияти туфайли маломатга учради ҳам...

Нуроний оталаримиз, мушфиқ оналаримиз шундай фотиҳа ўқишганига кўп шоҳид бўлиб турамиз: «Ўт балосидан, сув балосидан; кўринар-кўринмас балолардан, қуруқ туҳматдан Яратганнинг ўзи асрасин. Омин оллоҳу акбар!».

Қуруқ туҳмат шундай балойи азимки, дунёда инсон умрини ичдан кемирадиган ва емирадиган бундан кучли ва даҳшатли оғу бўлмаса керак. Етмиш тўрт йиллик кейинги тарихимизда халқимизнинг энг сара ватанпарварларининг аксарияти қуруқ туҳматга учрагани, аниқроғи, туҳматга учратилгани энг машъум жиноятдир. Шоир Шукрулло ҳам «юртга келган ана шундай тўйдан» четда қолмаган. Уни ҳибсга олиш учун сопини ўзидан чиқарганлар, яъни унинг икки «ҳамкасабаси» туҳматдан иборат «Заключение» («Хулоса») ёзиб берганлар. Қирқ йилдан ортиқ собиқ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг темир сандиғида яшириниб келинган бу «Хулоса» билан яқинда танишиш имкониятига эга бўлдим. Ушбу туҳматномада гап Шукруллонинг Ўзбекистон Давлат нашриётида 1949 йили (ўшанда муаллиф 28 ёшда эди) чоп этилган «Биринчи дафтар» деган шеърлар тўплами ҳақида кетади, тўғрироғи, тирноқ остидан кир қидирилади, йўқ ердан айб ахтарилади. Туҳматноманинг тутуруқсизлигини кўрсатиш учун бир қисмини айнан келтираман:

**1. Фикр ноаниқ.**
**Мисоллар:**
**«Сталин бор экан, кулфат қафасин —**
**Ташвиш тоғин бузиб мен кўтардим бош».**
(«Шу яхши» шеъридан).

**«Ҳар бир қиррасида миллион кўз ёниб,**
**Боқади фалакка порланиб, мағрур»**
(«Юлдуз» шеъридан).

Таажжублар бўлсинким, бу мисраларда фикр аниқ, у ёқ-бу ёққа тортиб кетадиган ҳеч нима йўқ.

«Хулоса»чилар шоирни севгини бузиб талқин этишда айблаб, ўз фикрларини исботлаш учун қуйидаги мисраларни мисол тариқасида келтирадилар:

**Висол куни яқин, шод кутгил,**
**Бўсаларга лабларим чанқоқ.**
**Ҳижрондан сўнг тегса лаб**
**Ҳар галгидан бўлар тотлироқ.**
**Ёрин висолига етган йигитдек,**
**Гуллардан илк бўса олди капалак.**

Шоир «колхозчилик» деган халқ иборасини ишлатгани учун ҳам танқид қилинади. Мана, ўша мисралар:

**Кечирасиз, қўпол сўзладик,**
**«Колхозчилик», бўлмайсиз хафа.**

Хуллас, «хулоса»чилар йўқ ердан кир қидириб, шоир Шукруллони ғоясизликда, совет поэзиясига бегоналикда айблайдилар. Шу «айблов», шу қуруқ туҳмат навқирон ижодкор йигитни 25 йил озодликдан маҳрум этиш, яна 5 йил сургунда яшаши ҳақида ҳукм чиқаришларига «асос» бўлади.

Балки мени ёруғ кунларда, юбилей онларида шоир бошига тушган қора кунларни бемаврид эслатишда айбловчилар ҳам топилар. Бироқ, менимча, ҳақиқатни галга солмай дарҳол айтмоқ керак.. Ҳақиқатни дарҳол айтиш ҳамиша ҳам маврид деб биламан. Ўз ҳақиқий баҳоси берилмаган жиноят ҳам, жиноятчи ҳам (бу ўринда мен туҳматчиларни жиноятчи деб ҳисоблайман) жамият учун хавфлидир. Агар жиноятчи жазога тортилса, бошқа жиноятларнинг олди олинади. Мен шоир Шукруллога шу ҳақда сўз очиб, ўша «ҳамкасаба»ларингизга ҳозир муносабатингиз қандай, уларга жазо берилишига қандай қарайсиз?» десам, у бўлса: «Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар. Мен уларни худога солиб қўйибман», дея бағрикенглик билан жавоб қилди. Бағрикенглик ҳам шоирликка хос фазилатлардан.

Мен ўша икки «хулоса»чининг номини тилга олишни истамадим. Буни айтиш ёки айтмаслик жабр кўрган Шукруллога тегишли ҳуқуқ. Бироқ улар жабрдийда шоир олдида бир оғиз кечирим сўрашлари маъқул эмасмикин, ҳеч бўлмаса ўша қилмишлари нотўғри бўлганини хаёлларидан бир ўтказиб қўйсалар, одамгарчиликдан, виждон ишларидан бўлмасмикин, деб ўйланиб қолдим. Кечирим сўраш гуноҳни озайтиради, виждон азобини енгиллаштиради, инсонни маънавий поклантиради, дейдилар. Бу гаплар фақат виждонли кишиларгагина тегишлидир. Виждонсиз кишидан узр кутиш такадан сут талаб қилиш билан баробардир. Бундай фикрлар менда унинг «Табассум ўғрилари», «Хатарли йўл», «Унсиз фарёд» деган саҳна асарларини ўқиганимда уйғонди. Маълумки, ашуласини қулоққа айтадиган ва юракка айтадиган хонандалар бўладилар. Шукруллонинг бу пьесаларини мен юракка айтиладиган, қалбга маънавий озиқ берадиган, кишини ўйлантириб қўядиган яхши қўшиқларга ўхшатгим келади.

ЮҚОРИДА АЙТГАНИМДЕК, Шукрулло «Жавоҳирлар сандиғи», «Кафансиз кўмилганлар» каби насрий асарлари бўлганида, драматик асарлар ижод қилганида ҳам шоир бўлиб қолади. Мен бунда жанрни кўзда тутаётганим йўқ, балки унинг прозаик асарларини ўқиганингизда, пьесаларини томоша қилганингизда ёки мутолаа этганингизда улардан худди шеър ўқиган ёки тинглагандан кейин кишида қоладиган таассурот, кўтаринки бир руҳ пайдо бўлади, бу эса қалбга малҳамдек ёқади.

Тақдир тақозоси билан бир йилча бўлиб қолди, бир даргоҳда хизмат қиляпмиз. Шу давр ичида ўзим учун шуни кашф этдимки, Шукрулло турмушда ҳам шоир бўлиб қолмоқда, ҳамма шароитда ҳам ўзлигини унутмайди, тўғри сўзини айтишдан қайтмайди. Бунга мен кичик бир замондоши сифатида шоҳид бўлаётирман.

Шукрулло аканинг ростгўйлиги учун ҳам ушбу сатрларни юракдан ёздим. Бу тенгдошларимнинг ҳам шоир Шукруллонинг умр ва ижод тўйига тўёнамиздир, деб ўйлайман.

Фрунзе ЖЎРАЕВ

## ИЛЛАТГА ҚАРАТИЛГАН ТИҒ

ШУКРУЛЛО ДРАМАТУРГИЯМИЗГА олтмишинчи йилларнинг бошида кириб келди. Унинг аксарият саҳна асарлари қайта қуриш жараёни бошланганга қадар ёзилган ва томошабинларга кўрсатилган. Уларда кўтарилган асосий мавзу ҳаётимизда ҳамон учраб келаётган порахўрлик, лаганбардорлик, лоқайдлик, риёкорлик, пасткашлик, фирибгарлик каби таъвияли иллатларни аямай фош этишдир. Муаллиф бу мавзуларни ҳал этишда драма, комедия, сатира, мелодрама шаклларини қўллаган.

Яқин вақтгача бундай иллатлар жамиятимиз учун характерли эмас, улар шунчаки айрим кишиларгагина хос эди деб, асарларни тор маишийликда, ғоясизликда айблар эдик. Аммо ҳаёт бу хилдаги саҳна асарларининг, уларда кўтарилган мавзуларнинг нақадар кенг кўламлилигини, долзарблигини, зарурлигини яққол исботлади. Модомики шундай экан, айтиб ўтилган иллатлар ўткинчи, айрим шахсларда учрайдиган эмас, балки ижтимоий характерга эга, демак жамиятимиз шу «касаллик»ларга йўлиққан деган гап бу. Шукрулло драматургиясининг бадиий фазилати ҳам шунда. Муаллиф, масалан, хушомадгўйни қандайдир безарар кимса сифатида талқин этмай, унинг ижтимоий моҳиятини очишга интилади, уни бадиий умумлашмалар даражасига кўтаради ва шу орқали бундай кимсалар жамиятга қанчалик зиён келтиришини ҳаётий воқеалар мисолида ифодалайди. Агар бундай ёндашувга ҳозирги кун нуқтаи назаридан қаралса, буни дадиллик деб, изоҳлаш мумкин. Чунки Шукрулло асарлари яратилган даврда қандайдир иллатни очиқдан-очиқ саҳнага олиб чиқиш, унинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш ғоятда мушкул эди.

Шукрулло драматургиясининг ўзига хослиги шундаки, унинг асарларида жиддийлик, чуқур фикр ҳукм суради, бирортасида енгил-елпи образ ёки воқеани учратмаймиз. Уларнинг қайси жанрда ёзилишидан қатъий назар, сатира тиғини ҳис этиб туради, киши. Шунинг учун комедиялари ҳам томошабинни кулдиришдан кўра, кўпроқ ўйлатиб қўяди. Бинобарин, саҳна тили ҳам ҳар бир образнинг табиатидан, феъл-атворидан, маънавий дунёсидан келиб чиқилган ҳолда кашф этилган.

Шукрулло ёзган саҳна асарларининг яна бир хислати — қаҳрамонларнинг инсоний ва маънавий дунёсини очиш, уларни ҳаракатга келтириш учун оддий бир жумбоқ ўртага ташланади. Масалан, «Жанжал» пьесасидаги воқеаларни вужудга келтирадиган асос қилиб шикоят хати олинган. Шоғулом, Ғани, Иса, Саид ва Қўчқорнинг ўзаро муносабати, феъл-атвори, хатти-ҳаракати, иллатлари шу хат атрофида олиб борилган можаро орқали очилади. Мактубнинг мазмуни асарнинг охиригача номаълум қолади. Аммо қаҳрамонлар ўртасида рўй берган жанжал шикоят хатининг мазмунини ифодалайди. Чунки жанжалда ҳар бирининг ярамас хатти-ҳаракати, разил қиёфаси очиқ-ойдин фош этилади. Бу ерда яна шуни айтиш кераки, муаллиф қаҳрамонларнинг иллатини фақат бир-бирини фош этиш билан эмас, балки ўз-ўзининг қиёфасини очиш воситаси орқали ҳам ошкор этади. Масалан, Ғани Шоғуломга: «Бир товоқдан еганмиз, ҳа, тенг бўлишганмиз!.. Бошдан-оёқ дуру олтинга буркаб ташладик, авлод-авлодингизга етади!» — дейди. Биргина мана шу мисрадан Шоғулом ва унинг ҳамтовоқлари кимлигини аниқлаш қийин эмас. Ҳаромтовоқлар, юлғичлар, порахўрлар образи бирин-кетин гавдаланади. Уларнинг разил қилиқлари, қабиҳ хатти-ҳаракатлари ва олди-берди гапларидан нафратланади томошабин. «Жанжал» пьесаси мисолида келтирилган бу фикрлар Шукруллонинг деярли ҳамма саҳна асарларига тааллуқлидир.

Ҳар пьеса маълум мавзу ва мазмунга эга. Масалан, «Хатарли йўл»да номусни, виждонни тубанликларга алмаштириб, ўз нафсини ўйлаган Миржалол образи тимсолида иғвогарлик мавзуи кўтарилган. Асар замирида «иғводан, туҳматдан ўзи асрасин» — деган ғоя берилган.

«Табассум ўғрилари»да шундай мисралар бор: «Лоқайдлик бу — шундай бало! Худди товушсиз тўппончадек ўлдиради, ҳеч ким сезмайди. Лоқайдлик бу электр симига ўхшар, на яллиғи, на тутуни, на иссиғи бор. Лекин уни қирқмоқ бўлиб қайчи солдингми, аямасдан куйдиради, кўмир қилади...» Муаллиф Диёров образи мисолида лоқайд табиатли одамларнинг ҳаёт тарзи ва фалсафасини фош этади, лоқайдлик туфайли бошқа дили пок инсонларнинг аянчли, ҳатто фожиали қисматга дуч келганларини ҳаққоний кўрсатади.

Шукрулло пьесаларида иллатнинг келиб чиқиши ва ижтимоий тус олиб, жамиятни емирадиган зараркунандага айланишининг табиий омиллари асослаб берилади. Масалан, фирибгарликни фош этишга бағишланган «Ўғрини қароқчи урди» комедиясида Нурбек Зуфнунийга: «...Агар сен пок бўлсанг, энг тубан, ўз нафси йўлида ҳар қандай жиноятга ҳам тайёр, жирканч, давлат, халқ мулкини талон-торож қилувчи, ифлослик ботқоғига ботган, умри ҳаромхўрлик билан кун кўрган шундай одамлар билан ҳамтовоқ бўлармидинг? Уларнинг ёнини олишинг, жиноятларни яшириш йўлларини уларга кўрсатшинг жиноят эмасми?.. Жиноятларга қарши курашиш ўрнига, жиноятчиларга йўл очгансан...» дейди. Зуфнуний Нурбекнинг унга қўйган бу айбларига: «Агарда нафспараст, хушомад учун яшайдиган буларга ўхшаган одамлар бўлмаганда, балки мен ҳам бу йўлга кирмасмидим?.. Менинг фирибгар бўлишимга сабабчилар шулар...» деб, жавоб қайтаради.

Бу шундан далолат берадики, муаллиф асарга мавзу танлаганда, уни ҳал этишда, образларни яратишда, уларнинг маънавий ва ҳиссий дунёсини, эътиқодини, ахлоқий қарашларини очиб беришда ҳаёт ҳақиқатидан, унинг мантиқидан келиб чиққан. Шунинг учун асардаги воқеалар, қаҳрамонларнинг қиёфаси кишига ғоят танишдек, гўё бу нусхаларни куни-кеча учратгандек, улар билан боғлиқ ҳодисаларнинг гувоҳи бўлгандек туюлади. Энг муҳими шундаки, Шукрулло, ким бўлмасин, лаганбардорми, мансабпарастми, порахўрми, ичкиликбозми, товламачими — барининг психологиясини сураткаш сингари ғоят аниқ ва жонли гавдалантирган. Шунинг билан бирга воқеалар жараёнида уларнинг қиёфаси тобора яққолроқ очила боради.

Шукрулло драматургиясида инсон табиатидаги иллатларгина эмас, балки иллатларга эга инсонлар туфайли йиллар давомида жамиятимизда вужудга келган ярамас урф-одатлар ҳам қаттиқ қораланади. Масалан, «Тўйдан кейин томоша» комедиясида тўй-ҳашам қилишда қурби етса-етмаса бир-биридан ўзиб кетиш, ўзинг танимаган етти даҳага ош бериш, орзу-ҳавас деб карнай-сурнай қилиш одати қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яқиндагина оила қурган икки ёшнинг тақдири мисолида акс эттирилган.

Табиийки, тилга олинган пьесаларнинг мазмуни ўзгача. Буни ҳатто уларнинг номидан ҳам англаш мумкин. Бу номлардан ҳар бир асарнинг моҳиятини илғаб олиш қийин эмас. Шунинг билан бирга бу асарларни бир-бирига яқинлаштирадиган жиҳатлар ҳам мавжуд. Гап уларнинг саҳнавийлигида, аксарият образларнинг бадиий мукаммаллигида, тилнинг равонлиги, ўткирлиги ва тагдор маънолигида, саҳналарнинг ихчамлигида ҳамда бошқа хислатлардагина эмас. Масалан, иллатни фош этувчи образлар, гарчи уларнинг исми бошқа, ўзига хос мавқеига эга, жамиятда тутган ўрни бўлак бўлса ҳам, мақсади бир. Уларни юксак инсоний фазилатлар бирлаштирган. Муаллиф бу образларни ишлашда ҳақиқий инсонга хос жозибали фазилатларни топишга, уларга жон бағишлашга ҳаракат қилган. Абдусодиқ, Жўрабек, Қосимов, Ёрқин, Фозилхўжа, Нурбек, Жаҳонгир каби образлар шулар жумласидан. Улар томошабинда ўзига нисбатан ишонч ва меҳр уйғотади. Агар бу образларнинг ички дунёсига чуқур назар ташласак, уларнинг қалби ҳам, эътиқоди ҳам бирлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам улар пьесаларни мазмунан эмас, руҳан бирлаштирган, бадиий жиҳатдан яхлитлаштирган. Аёлларнинг ижобий образи ҳам шу тариқа ҳал этилган. Гўё ижобий қаҳрамонлар ҳаммаси бир тан-бир жон бўлиб турли шароитларда порахўрларга, мансабпарастларга, хушомадгўйларга, худбинларга, риёкорларга, фирибгарларга ва жамиятимизни булғаётган шулар сингари нусхаларга қарши курашаётгандек туюлади. Яъни, муаллиф ўз қаҳрамонлари билан ҳамма виждони пок одамларни шу курашга ундагандай бўлади. Шукрулло драматургиясининг моҳияти ҳам шунда. Энг муҳими у яратган саҳна асарлари бугун ўз долзарблигини, таъсир кучини йўқотгани йўқ. Аксинча, ҳозирги даврда бундай асарларнинг театрларимиз саҳнасида қайта қўйилиши айни муддао.

*Қутлаймиз!*

## ШАМСИ ОДИЛ — 60 ЁШДА



Шоир Шамси Одил 1931 йилнинг 21 октябрида Каттақўрғон шаҳрида деҳқон оиласида туғилди. Она шаҳрида ўрта маълумот олгач, 1954—1958 йиллар Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлади. 1958—1962 йилларда Каттақўрғонда ўқитувчи, мактаб мудири, туман маориф бўлимида инспектор бўлиб ишлади.

1962 йил Ш. Одил ҳаётида бурилиш бўлди. У Тошкентга кўчиб келиб, «Ўқитувчилар газетаси»га мактаблар бўлими мудири бўлиб ишга ўтди. 1964 йил эса у Педагогика илмий текшириш институтига аспирантурага ўқишга кирди. 1968 йил ўқишни тамомлаб Ўзбекистон Фанлар академиясида хизмат қилди. Ўзбек Совет Энциклопедиясида 1968—1970 йилларда катта илмий муҳаррир бўлиб ишлади.

Ш. Одил ўша йиллар тинимсиз изланди, ижод қилди. Қатор рўзнома ва ойномаларда шеър, поэма, достонлари босилди. Унинг 1970—1991 йилги фаолияти шоирлик ва ноширлик билан боғланган. 1970—1981 йиллар «Ёш гвардия» нашриётида бўлим мудири, катта муҳаррир, 1982—1986 йиллар Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида катта муҳаррирлик қилди. 1986 йил жумҳуриятда янги «Юлдузча» («Чўлпон») -нашриёти ташкил топгандан кейин шу нашриётда катта муҳаррир, бўлим мудири вазифасида ишлади.

Шамси Одилнинг «Қайнар булоқ», «Икки лола», «Истак», «Тонгдаги ўйлар», «Самарқанд гуллари», «Илья бобо», «Тоштулпор» каби шеърий китоблари нашр этилди. Адабий портретлар, очерклар, ҳикоя ва қиссалар ёзди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва ношир Шамси Одилга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий ишларига катта омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ**





Суратда: ёзувчилар — X қурултойи қатнашчилари.
С. МАҲКАМОВ суратга олган

# МИЛЛАТНИНГ ТИРИКЛИК ТИМСОЛИ

Боши биринчи бетда

Очиғи, она тилига муносабат хусусида вазминлик мезонидан бир парда баландроқ руҳда сўз юритиш зарурга ўхшайди ҳозирги вазиятда. Она тилинг билан фахрланиш ҳисси, ифтихорлик туйғусидан баралла сўзлаш лозим; уни эъзозлашдан, ардоқлашдан чарчамаслик зарур. Бор овоз билан «она тилим — доно тилим» деб ҳайқириш даркор. «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз»ларнинг эътиборини тортиш учун, лоқайдларни карахтлик уйқусидан уйғотиш учун шундай қилиш керак. Илло, бепарволик билан беписандликнинг ораси бир қадам, холос.

Давлат тили ҳақидаги Қонун ижроси йўлидаги тўсиқлар ҳам лоқайдлик, беписандлик туфайли эмасми!

Байналмилаллаштириш, яқинлаштириш орқали ягона ва умумий социалистик миллат тилини яратишдай лисоний мафкура миллий тилларнинг имтиёзини чеклаб, имкониятини сустлаштириб, мавқеини пастга туширди, уларнинг табиий тараққиётига халал берди. Оқибатда азим дарахт янглиғ буюк тилимизнинг яшил барглари (луғат бойлиги), шох-бутоқлари (амалий услублари) ўз гўзаллиги ва жозибасини йўқотиб, сўлғин бир ҳолга келди.

Илмий-маърифий адабиётларда ҳам, адабий-танқидий манбаларда ҳам аксарият тилнинг муҳим алоқа воситаси эканлигини қайд этиш билан чекланилган. Илмий ҳақиқатга зид эмас бу таъриф, аммо рангсиз, ҳис-туйғудан маҳрум. Чунки **восита, қурол** сингари лоқайд калималар ёрдамидагина тилимизнинг руҳини, жозибали моҳиятини кўнгилдагидек очиб бериш қийин. Тилимизга ёпирилиб, бостириб кираётган сўзларни ҳисоб-китоб қилиб, уларнинг йилдан-йилга фоизма-фоиз ортиб бораётганлигидан ғурурланадиган бўлиб қолдик. «Эски» луғат қазноғига бадарға бўлаётган ўз сўзларимиз ҳақида қайғурмадик. Она тили тавсифи рангсиз илмий атамалар тизмасию қатлам-қатлам қоидалар тузугига,, фойдасиз математик ҳисоб-китоблар мажмуига ўхшатиб қўйилди. Нутқ маданияти эса ягона ва умумий деб сифатланган мажбурий норма қуюшқонига солинди. Хуллас, она тилини баайни қассоблардек қисм-қисмларга, бўлак-бўлакларга ажратиб, қатлам-қатлам қилиб тахлашга ва уларни алоҳида-алоҳида ўрганишга ружу қўйдик. Ҳа, тилимизни восита, қурол дедигу унинг ишлаши, имконияти, имтиёзига панжа орасидан қарадик.

**А**ДАБИЁТ ИЛМИ ҳам сиёсатга қоришиб кетди. Адабиётшунослик асар мазмунини бадиий либосидан яланғочлаб қайта шарҳлаш ва баҳолаш илмига, танқидчилик қаҳрамонларнинг ижобию салбийлигини, типларию турларини аниқлайдиган тергов маҳкамасига айланишига оз қолди. Бадиий сўзнинг жозибасига эътибор бермай қўйилди. Адабиёт муаллимидан Мулла нима учун Кўканга тариқ эк, деб маслаҳат беради, нега буғдой ёки арпа эк, демайди, деб сўраб кўрингчи. Ишончим комилки, бунга уларнинг кўпчилиги асосли жавоб беролмайди. Ғафур Ғуломнинг «Кўкан» поэмаси ҳақида гап кетганда мен бу саволни кўпларга берганман, ҳатто айрим адабиётшунос олимларга ҳам.

Кўканнинг тариқ экиши боиси Қуръон сўзларини билмай «вассамои ватториқи» калимасини **тариқ** сўзи билан қориштирган оми домланинг чўпчаги. Буни: **«Вас самои ватториқи»** Қуръонда бор... Болам Кўкан, худо тариқ эксин деган», гапдан ўқиб олиш қийин эмас, агар сўзга, сўз англатган тасаввурлар оламига бефарқ бўлинмаса. Сўз маъносини билмай доноликни даъво қилувчиларга нисбатан аччиқ киноя бор бу мисраларда. Бу киноя она тилига, сўзга беписанд кишиларнинг барчасига ҳам тааллуқли.

Бюрократик маҳкамалар ҳам ўзининг мафкуралаштирилган луғати тизмасини, сурати ялтироқ, сийрати қалтироқ ифодалар дастасини ижод қилди.

Сўзлар маъноси ўз моддий заминидан узилиб қолди: ўғрилик, қотиллик каби жиноятларни салбий ҳодисалар, қамоқхоналарни ахлоқ тузатиш жойлари, деб ишлатадиган бўлиб қолдик. Ахир **бурч, ҳуқуқ, ҳақиқат, тенглик, биродарлик, эркинлик, мустақиллик, ошкоралик** сингари калималарни илгарилари — турғунлик йиллари ишлатмасмидик. Ишлатардик, лекин маъноси, моҳияти бошқачароқ эди ҳозиргидан. Уларнинг маъноси мафкура мақсадига мувофиқлаштирилган эди. Сўз маъноларидан фойдаланишда ҳам қўшиб ёзиш урф бўлганди. Бир хил фикрлаш бир хил ифода йўсинини, жўровоз услубни қарор топтирди. Бир хил мафкуравий-маънавий зўрлик сўзларни ҳам инқирозга олиб келди. Шу боис шоир Д. Қўғултинов айтганидек, эндиликда **«Коммунизм»** сўзини ишлатишдан уяладиган бўлиб қолдик». **Социализм** калимасини етмиш йилдан бери тўтидек такрорлаб, бугун унинг моҳиятини аниқлай олмай баҳслашиб турибмиз.

## *ТИЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ*

Бу пардали тил «юқори»да ўзгача, «паст»да эса бошқача мазмун касб этди. Сиёсий-ижтимоий луғат фуқаролар доирасида кинояли ранг олди; оммавий ахборот, матбуот тили ҳам шунга мослашди. Ноўрин мақтову мадҳия, ўта пардоз берилган қиёслар, ўсмаси қуюқ тортилган чучмал ташбеҳлар лавҳа ёки очерк қаҳрамонларини хижолатга соладиган бўлиб қолганди. Тилу адабиётни, санъату маданиятни мафкуралаштириш бу йўлдаги барча уринишларни рағбатлантириб келди.

Шукурлар бўлсинким, ўзбек тили давлат тили мақомига эришди. Қонун ижросининг изчил ва тадрижий тусда бориши ўзимизнинг ўз тилимизга, унинг мартабасига мувофиқ иш тутишимизга боғлиқ. Бу, энг аввало, ўзбек тилини ўз тилим деб билган барча кишилардан давлат тили мақоми моҳиятини чуқур тушуниб олишдан ҳамда уни шу мақом мавқеида ишлатишга эришишдан иборат. Она тилининг ҳақиқий мавқеи, маданий нутқ амалиёти, демак, уларнинг имконияти ва истиқболи ҳам одамларнинг меҳру муҳаббатидан қувват олиб, шу туйғулар бағрида камол топади.

Билинган, фаҳмланган нарса тилда (нутқда), тилдагиси эса билимда зоҳир бўлади. Бошқача айтганда, биз ўйлаганда, гапиргандагина тил ишлайди, уни ишлатиш малакаси ҳам орта боради. Алишер Навоий: «Тил бунча шараф била нутқнинг олотидур ва ҳам нутқдирки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур», деб уқтирганлар. Демак, бу шарафли олотни (қурол, асбоб) беписанд, бефарқ ишга солиб, тил учун офат етказиш унинг мақомини оширмайди. Шахмат ўйнамаган шатранжни билмайди. Шатранжчининг маҳорати ўйиндан ўйинга ортаборгандай биз ҳам тилдан қанча кўп фойдалансак, уни ишлатишга шунча моҳир бўламиз, унинг қоидаларини кўпроқ била борамиз.

**Ў**ЗБЕК ТИЛИНИНГ ҳаракат майдонини торайтиришга, айрим соҳалар бошқарувини ўзбеклардан «муҳофаза» қилишга, буни ўзбекларнинг уқувсизлиги баҳонаси билан асослашга уринаётган маълум кучларнинг ҳам ҳиссаси бор. «Халқ сўзи» рўзномасида (1991 йил, 29 январь) келтирилган қуйидаги факт шундан далолат беради. «Ўгай муносабат» номли мақола муаллифи Иброҳим Норматнинг изтироб ва алам билан қайд этишича, Марказга бўйсунувчи «Навоиазот», «Хлопкомаш» каби машҳур бирлашмалар, Олмалиқ кон-металлургия комбинати сингари маълум корхоналар маҳкамаларида ўтирган идора ходимлари орасида ўзбекча гаплашадиган одамни тополмайсиз.

Она тилига эҳтиёж сезмаган ижтимоий шароит тирик тилни ўлдириши мумкин. Журналист Маҳмуд Марди «Ҳокимият кимнинг қўлида» («Халқ сўзи», 1991 йил, 3 январь) мақоласида шуларни ёзади: «Ҳа, Зарафшонда ўттиз йилдан бери яшаётган, шавкатли меҳнати эвазига қўша-қўша нишонлар олган, ўзбек тилини мутлақо билмайдиган кишилардан хафа бўлмаслигимиз мумкин. Аммо шу маскандаги ўзбеклар она тилларини чала-чулпа билишларини қандай баҳолайсиз? Энди уларнинг ўзлари фарзандларининг ўзбек гуруҳидаги болалар боғчаларига, мактабларига қатнашишларига монеълик қилишмоқда. Зарафшонда ўзбек тилининг келажаги йўқ эмиш».

Республика прокурори Бўритош Мустафоев «Совет Ўзбекистони» рўзномаси мухбири билан қилган «Ишонч ва адолатни тиклайлик» (1991 йил, 19 январь) сарлавҳали суҳбатда айрим органларнинг тил ҳақидаги Қонун талабларини амалда бажармаётганликларига, туғилиш, никоҳ ҳужжатларини тўлдиришга лоқайд муносабатда бўлаётганликларига оид фактларини тилга олган. Жумҳурият прокурори: «Тан олиш керакки, жумҳурият прокуратураси аппарати бу борада (яъни қонун ижросида) намуна бўлолган эмас, ...ҳозирча йиғилишлар, иш юритиш ҳам рус тилида олиб борилмоқда», деб эътироф этади. Бу ҳам ўзбек тилининг фаол ишлаши учун ҳали ҳам кўнгилдагидай шароит яратилмаганлигидан бир далолат.

**Р**АСМИЙ ИДОРАВИЙ иш юритишда, ҳужжатнависликда, фан-техника соҳасида ўзбек тили мавқеининг ошиши расмий ва илмий нутқ услублари тараққиётини, шубҳасиз, янги босқичга олиб чиқади. Бу борадаги изланишларсиз услуб деган созни созлаш қийин. Хулоса аниқ: хато қилишдан қўрқмай она тилини фаол нутқий вазиятда чархлаш лозим. Тил истиқболининг асосий шартларидан бири ҳам, сизу бизнинг она тилимиз олдидаги қарздорлигимизнинг боиси ҳам мана шунда.

## РАССОМ ХОТИРАСИ

Ҳаёт Рауф Аҳмедовни кўп синовлардан ўтказганди, доимо курашиб яшашга чорлаганди. У шу синовларга бардош бериб, инсон матонатининг адоғи йўқлигини исботлаб яшади. Бугун эса орамизда йўқ. Бешафқат ўлим ажойиб инсон, талантли рассом Рауф Аҳмедовни мангуликка олиб кетди. Ёмонга ўлим, яхшига кун йўқ, деб шуни айтсалар керак.

Одатда, негадир инсон ҳақидаги энг яхши гаплар у вафот этгандан сўнг айтилади. Аммо бугун Рауф ҳақида яхши гап эмас, бор гапни айтмоқчимиз. У том маънода курашчи эди. Ёшлигида бедаво дардга йўлиқиб умр бўйи шунинг азобини тортиб яшади. Аммо курашчанлиги, матонати туфайли ажойиб рассом бўлиб етишди.

У синчков, изланувчан ижодкор эди. Ҳаётдаги ҳеч бир иллат унинг нигоҳидан четда қолган эмас. У умр бўйи бюрократлар, порахўрлар, олибсотарлар билан курашиб яшади.

Рауф Аҳмедов ҳафталигимизнинг яқин дўсти эди. Таъбир жоиз бўлса уни карикатурачи-рассом сифатида биз кашф этгандик. Мусаввирнинг фожиали тақдири, унга бюрократларча қилинган муносабатлар ҳақида мақолалар берган эдик. Унинг долзарб мавзулардаги карикатуралари ҳафталигимизда тез-тез босилиб турарди.

Рауф Аҳмедов вафот этди. Аммо у изсиз кетмади. Фарзанди, кўплаб асарлари ундан хотира бўлиб қолди. Демак, у бекор яшамабди. Демак, у яшайди.

ТАКЛИФ ЭТАМАН

# УЛУҒБЕК НОМИГА МУНОСИБ

Тошкент метросининг шаҳар марказидаги энг муҳташам ер ости қасрларидан бири «Мустақиллик майдони» деб номланганини кўриб беҳад мамнун бўлдим. Номи ўзгартирилиши зарур бўлган шундай бекатлардан яна бири — бу, «Комсомол» станциясидир. Маълумки, умумиттифоқ комсомолининг яқинда Москвада бўлиб ўтган охирги анжуманида бу ташкилот ўз фаолиятини бутунлай тўхтатиб, тарқалиб кетди. Унинг жойлардаги мулклари эса жумҳуриятларнинг ёшлар ташкилотларига берилди. Демак, эндиликда ўзи йўқ ташкилотнинг номи билан бирон жойни аташ шарт эмас.

Шундан келиб чиққан ва кўпчилик билан маслаҳатлашган ҳолда мен қуйидаги таклифни Тошкент шаҳар Кенгаши раҳбарлари эътиборига ҳавола қилмоқчиман: метронинг «Комсомол» станцияси улуғ астроном олим Улуғбек номи билан аталса узукка кўз қўйгандек иш бўларди. Агар шу иш амалга ошса, қурувчилардан озроқ саъй-ҳаракат талаб этилади, яъни ушбу бекатдаги ниҳоятда жўн комсомол эмблемалари ўрнига буюк алломанинг тафаккур олами, илмий кашфиётлари билан боғлиқ тасвирлар ишланиши керак.

Яқинда собиқ Комсомол парки «Ўзбекистон миллий боғи», деб аталиши муносабати билан бу истироҳатгоҳни таъмир этиш режалари белгиланмоқда. Боғда Алишер Навоий ансамблининг буёнд этилгани шу катта ишнинг бошланиши бўлди. Яна икки йилдан сўнг улуғ олимимиз Мирзо Улуғбекнинг олти юз йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон миллий боғининг Алишер Навоий ёдгорлик ансамблига туташ ва айни пайтда ҳозир Улуғбек номи билан аташ таклиф этилаётган метро бекати рўпарасида улуғ алломага атаб бир хиёбон бунёд этилса.

Таваллудининг 120 йиллиги яқинлашаётган — Туркистон миллий уйғонишининг отаси —. Маҳмудхўжа Беҳбудий, шунингдек, Фурқат, Чўлпон, Фитрат, Ҳабиб Абдуллаев сингари халқимизнинг содиқ фарзандлари номи билан ҳам Тошкент ер ости йўлининг мавжуд ва эндиликда қурилаётган янги бекатлари аталса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**М. АБДУЛЛАЕВ**

Абдураҳмон ҚАРИМОВ:

# УМИДЛАРИМИЗ УШАЛАДИ

**Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Жиззах вилоят бўлими ҳам вилоятларнинг гоҳ қўшилиши, гоҳ ажралиши туфайли яхши фаолият кўрсата олмади. Бўлимда раҳбарлар ўзгараверди, ишнинг олға босиши қийин кечди. Ниҳоят, шу йил ёзнинг бошларида жиззахлик ижодкорлар бир овоздан иқтидорли ёзувчи Абдураҳмон Каримовни вилоят бўлими котиблигига сайлашди. Янги котиб қисқа вақт ичида бир қанча ташаббуслар билан чиқди ва кўплаб ишлар амалга оширилди. Мухбиримизнинг А. Каримов билан суҳбати ана шулар ҳақда борди:**

Вилоятимизда Ёзувчилар уюшмасининг тўққизта аъзоси ва йигирмадан ортиқ умидли қалам аҳли яшайди. Уларни ҳар бири китоб чиқаришни хоҳлайди. Афсуски, вилоят бўлимининг имконият доираси жуда чекланган, моддий таянчга эга эмас, нашриёти йўқ эди. Вилоят рўзномаларида маҳаллий ижодкорларга ажратиладиган арзимас имконият билан бўлимда муҳокама қилинган қўлёзмаларни ёритиб бўлмасди. Албатта, муаммолар фақат шундангина иборат эмасди. Ижодкорларни уй билан таъминлаш, уларнинг дам олишлари учун ғамхўрлик қилиш, бўлимнинг ташкилий ишлари учун жуда зарур бўлган машина топиш каби қатор-қатор ташвишлар кўп эди. Бундай ҳолларда биз, очиғини айтганда, вилоят раҳбарларининг ёрдамига муҳтож бўлиб қолдик.

Шу йилнинг июнь ойи бошларида вилоят ижроия қўмитасининг раиси Ўктам Олимов билан ижодкорларнинг учрашуви бўлди. Унда биз муаммоларимиз тўғрисида гапирдик. Натижада вилоят ижроия қўмитаси томонидан ташкилотимизга хизмат машинаси ажратилди.

Қадриятларимизни тиклаш, адабиётимиз манфаатларини, қолаверса, ёш қаламкашларга ёрдам бериш каби бир қанча масалаларда ташаббус билан чиқдик. Ташаббусимизни вилоятимиз раҳбарияти қўллаб-қувватлади. Ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими қошида Шароф Рашидов қадриятини тиклаш комиссияси тузилган эди. Вилоятимиз фаоллари, Ўзбекистон ва СССР халқ ноиблари, ёзувчилар аъзо бўлган бу комиссия ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ш. Рашидовнинг номини тиклаш мақсадида ўзининг ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Ўтган йили комиссия саъй ҳаракати туфайли Жиззах туманидаги давлат хўжаликларидан бири, шаҳардаги собиқ Наримонов номли мактаб, Жиззах устки кийимлар фабрикаси эндиликда Ш. Рашидов номи билан аталмоқда. Яқинда яна бир хушхабарни эшитдик, илгари Ульянов проспекти деб аталган шоҳ кўчага ҳамда шаҳар марказидаги Ленин майдонига ҳам унинг номи берилди. Бу йил бўлим ва комиссия ташаббуси билан Шароф Рашидов жамғармасини очиш тўғрисидаги таклиф ўртага ташланди. Шунингдек, Жиззах шаҳрида Ш. Рашидов номидаги ижод боғини барпо этиш хусусида келишиб олдик. Шаҳар ижроия қўмитасининг қарори билан бўлимимиз Жиззах қурилиш саноат банкида жамғарманинг ҳисоб рақамини очди. Бу жамғармага тушган маблағ ҳисобига Жиззах шаҳрида эллик гектарлик боғ барпо этилади. Боғ ҳудудида қурилажак ижод уйи эса келажакда ёзувчиларимизнинг севимли даргоҳига айланади. Ижод уйининг олди адиблар хиёбонига айланади, ёдгорликлар ўрнатилади. Жиззах шаҳрининг Дўстлик майдонидан олиб ташланган Шароф Рашидов бюсти қайта тикланади. Комиссия қарорига кўра, жамғарма ҳисобидан Шароф Рашидов номидаги йиллик мукофот таъсис этилади, бу билан жиззахлик ижодкорлар рағбатлантирилади.

Халқимиз азалдан шеъриятга ҳамнафас халқ. Қанчадан-қанча бахшиларимизнинг оғзаки ижод намуналари авлоддан авлодга ўтиб, мерос бўлиб келмоқда. Бундай бахшилар ҳозирги кунимизда ҳам кўп. Афсуски, улар аксарият ҳолларда эътибордан четда қолишади. Пахтакор туманида истиқомат қилувчи бахши Эргашой Шомурод қизининг термаларини тинглаганимизда беихтиёр ана шулар ҳақда ўйладик. Саксонни қоралаган бахши она бутун умри давомида битилган гўзал мисраларни хотирасига жойлаб яшаяпти. Биз Эргашой она билан суҳбатлашиб, унинг асарларини магнитафон лентасига ёзиб олдик, сўнг эса жамлаб китоб ҳолида нашр этдик. Эргашой онанинг ижодий кечаси ҳам ташкил этилди. Кечада бахши онанинг фарзандлари, неваралари, ҳамқишлоқлари ва вилоятимиз ижодкорлари иштирок этишди. Бундай иш келгусида ҳам давом этади.

Ёшлар орасидан ўсиб чиқаётган истеъдод ғунчаларини аниқлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида уюшмамиз вилоят китобсеварлар жамияти билан ҳамкорликда «Менинг биринчи китобчам» кўригини ташкил этди. Кўрикда мактаб ўқувчилари иштирок этишди. Кўрик ғолибларига пул мукофотлари белгиланди. Кўрик ғолибларидан бири Ойдин Донишеванинг илк китоби нашрга тайёрланиб, босмахонага берилди.

Китоб нашр этиш борасидаги қийинчиликлар ҳисобга олиниб Жиззах вилояти матбуот бошқармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими қошида нашриёт ташкил этилди. Унда 1991 йилнинг охиригача йигирма босма табоқ ҳажмдаги китоб чиқариш ишлари режасини тузиб олдик.

Йил охиригача Бахмал туманида таниқли драматург ва журналист Анқабой Худойбахтов хотирасига бағишлаб адабиёт байрамини ташкил этиш ниятидамиз. Унинг адабий меросини ўрганиш ва китоб ҳолда чоп этиш мақсадида комиссия ташкил этганмиз. Адабиётшунос олим Олимжон Жўраев бу борада илмий иш олиб бораяпти. Жиззахлик ёш қаламкашларнинг асарларидан иборат давра тўпламини чоп этишга тайёргарлик кўраяпмиз.

Яна бир ниятимиз, вилоят ёш ижодкорларининг семинарини чақириш. Семинарда қатнашган ёшларнинг энг яхши асарлари жумҳурият матбуотига тавсия этилади. Бевосита ўзимизда эса келаси йилдан бошлаб «Муаллифнинг биринчи китоби» туркумидаги нашр ишлари йўлга қўйилади.

# ЯХШИЛИККА САДОҚАТ

**Майли зарраларга**
**айлансин юрак,**
**Меҳру дўстлик бўлиб**
**сингсин ҳар танга.**
**Шеъру юрак менга**
**не учун керак,**
**Яхшилик қилмаса агар**
**инсонга.**

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло шеъриятининг туб ўзагини ана шу яхшилик, эзгулик, инсонийлик туйғулари ташкил этади. Шоир манзумаларини ўқиркансиз, беихтиёр: шукрким, оламда меҳр-муҳаббат бор, зотан, инсонларни бирликка чорлаб, дунёни асраб тургувчи ҳам меҳр-муҳаббат, яхшиликдир, дейсиз.

Шу кунларда республикамизда атоқли шоирнинг етмиш йиллик юбилейи муносабати билан учрашувлар бўлиб турибди. 15 октябрь куни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида адиб билан мулоқот бўлиб ўтди. Йиғилишни илмгоҳнинг ўзбек адабиёти кафедраси мудири, доцент Тўхта Бобоев очиб, Шукруллонинг ижоди, фаолияти ҳақида қисқача гапирди. Институт ректори Д. Н. Ғаниев шоирни йигирма минг талаба ва мингдан ортиқ ўқитувчилар жамоаси номидан табриклади. Шундан сўнг филология фанлари номзоди С. Мелиевнинг Шукрулло шеъриятининг ҳозирги замон ўзбек адабиётидаги ўрни ҳақидаги маърузаси тингланди.

Учрашувда ЎзФА мухбир аъзоси М. Қўшжонов, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори Н. Маллаев, ТошДД профессори, филология фанлари доктори Н. Худойберганов, филология фанлари доктори П. Шермуҳамедов шоирнинг баракали ижоди, сермазмун ижтимоий фаолияти ва ибратомуз шахси ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Шукруллонинг ўзбек адабиётида ўз ўрни бор. Шеъру достонлари, «Жавоҳирот сандиғи» китоби ва айниқса, «Кафансиз кўмилганлар» асари билан адиб бу ўриннинг дахлсизлиги ва ғоят муносиблигини қарор топтирган, дейишди нотиқлар.

Қизиқарли ўтган бу учрашувда талабалар шоир шеърларидан ўқишди, институт ҳаваскорлар ансамбли ижросида куй-қўшиқлар янгради.

# УЧРАШУВ

Ўзбекистон жумҳурияти Маданият вазирлиги қошидаги Маданият ходимлари малакасини ошириш институтида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг бу ерда таълим олаётган клуб ва кутубхона ходимлари билан ижодий конференцияси бўлиб ўтди. Учрашувни институт ректори Сирожиддин Каримов олиб борди. У ҳафталикда маданият мавзусининг қандай ёритилаётганлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Учрашувда иштирок этган ҳафталик масъул котиби Саъдулла Ҳаким, санъат бўлими мудири Ашурали Жўраев йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар ва ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар. Учрашувда маданият муаммолари ва уларни ҳафталик саҳифаларига дадил олиб чиқиш ҳақида эътиборли таклифлар айтилди.

## Марказий нашрларда

# «НОВОЕ ВРЕМЯ»

Сўнгги уч-тўрт йил мобайнида ҳафтада бир марта чиқадиган «Новое время» журналининг обрўйи ўқувчилар ўртасида жуда ошиб кетди. Журналда мамлакатимиз ва чет эл ҳаёти теран публицистик тадқиқ этилмоқда. «Новое время» вақти-вақти билан ўзбеклар ҳақида ҳам материаллар эълон қилиб бормоқда. Масалан, унинг шу йилги 38-сонида «Сиймолар» рубрикаси остида юртдошимиз Тошпўлат Тожиддинов амалга ошираётган эзгу ишлар борасида ҳикоя қилинади. «34 ёшли Тошпўлат Тожиддинов ўз ҳамфикрлари билан Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясини ташкил этиб, бошқармоқда, — деб ёзади журнал мухбири Я. Боровой. — Бу халқаро ғайриҳукумат ташкилотининг вазифаси, Тожиддиновнинг гапига қараганда, «энг қадимги жаҳон цивилизацияларидан бирининг вакили бўлмиш ўзбек халқига юксак руҳоний фазилатларини кенгроқ рўёбга чиқариш имкониятини яратишдан иборатдир». Тошпўлатнинг фикрича, бу мақсадларга бошқа халқлардан маданият соҳасида узилган ҳолда эришиш мумкин эмас. Шу сабабли Халқ академияси қошидаги Москвада жойлашган Руҳоний мерос марказида фақат ислом дини эмас, балки христианлик, буддизм, яҳудизм каби динлар ҳам ўрганилади...»

Халқ академияси Бухорода бунёд этилажак мамлакатимиздаги энг йирик диний-маданий марказ учун 38 миллион сўм ажратди. Тожиддинов уюшмаси Ўзбекистон жумҳуриятидан «тилла бошлар»нинг четга чиқиб кетишининг олдини олиш учун курашиб, Тошкент дорулфунунига, республикадаги мактабларга субсидиялар бермоқда, истеъдодли болаларнинг, миллатидан қатъи назар, чет элларда билим олишларига имконият яратмоқда. Ташкилотнинг хайрия дастурида Ўзбекистоннинг болалар ўлими юқори бўлган туманларида болалар амбулаториялари қуриш кўзда тутилган. «Биз ҳеч кимдан пул олмаймиз, — дейди Тожиддинов, — пулни ўзимиз ишлаб топамиз, ўзимиз одамлар эҳтиёжига сарфлаймиз».

«Тошпўлат Тошкент дорулфунунининг Шарқ факультетида Ленин стипендияси олиб ўқиган, — деб ёзади Я. Боровой. — Сўнгра ислом асосларидан дарс бериб, китоблар ёза бошлади. Бу китоблар «Хизматда фойдаланиш учун» деган гриф остида тарқатиларди. «Исломда уруш ва тинчлик муаммолари» деб номланган каттагина монография ҳам унинг қаламига мансуб. Иш билан ғоят банд Тошпўлат тўрт фарзанд униб-ўсаётган бахтиёр оиланинг бошлиғидир».

# ИШИМДА ҚЎЛ КЕЛАДИ

1966 йилдан буён обунаман. Ҳафталикда шеъриятга оид мақолаларим чиққан. Таниқли ёзувчи ва ёш ижодкорларнинг асарларини ҳамда илмий мақолаларни ўқиб ҳузур қиламан. Улар ишимда қўл келади. Чунки мен мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераман. Ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳам ҳафталикка ёзилишга даъват этаман. Зеро, обуна бўлган киши ҳеч қачон ютқизмайди.

**Эркин ЭШЖОНОВ**
**Хоразм**

●

Талабалик йилларимдан бери обуна бўлиб келаман. Ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. Бу йил ҳам биринчилардан бўлиб севимли ҳафталигимизга обуна бўлдим. Мана, Ўзбекистонимиз мустақил давлат бўлди. Уни тенглар қаторида тенг бўлишига эришиш учун ҳафталик ўз хизматлари билан олдинги сафда боришига ишонаман.

**М. ТУРДИАЛИЕВА**
**Сирдарё**

●

Мен «Тарих ва тақдир», «Мерос», «Ихтиёр менда бўлса...», «Очиғини айтганда» каби рукнларда берилаётган мақолаларни қизиқиб ўқийман. Лекин айрим шеърлар кишини қониқтирмайди. Бу адабиёт ҳафталиги бўлгач, ҳар бир чоп қилинаётган нарса тарозуга солиб кўрилиши даркор, деб ўйлайман. Санъат соҳаси бўйича берилаётган муаммоли чиқишлар ҳам анча сусайиб қолди.

**Шароф ИСОҚОВ**
**Қирғизистон**

●

Дастлаб қишлоқда фақатгина мен «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ёзилган эдим. У ҳамқишлоқларимни ҳам қизиқтириб қолди. Ҳозир эса ўттизга яқин оила обуна бўлаяпти. Бизга «Инсон, ахлоқ ва қонун», «Адиб ва жамият» рукнларида берилаётган мақолалар маъқул келади. Иложи бўлса ҳар бир сонда ёритиб борилса.

Бу йил лоторея ўйини ташкил этибсизлар. Бу яхши. Аммо ютуқ ажратилаётганда таниш-билишчилик бўлмасмикан...

**Йўлдошбой ХОЛМАТОВ**
**Тошкент**

## *ОБУНА—92*

●

Ҳафталик маданий дам олишимизда катта улуш қўшаяпти. Айниқса, охирги бетда чоп этилаётган ҳажвий шеър ва ҳикоялар муштарийлар меҳрини қозонаяпти. Шу сабабли мен ҳар йил иккиланмасдан обуна бўламан. Фақат бир истагим бор. Тожикистон жумҳуриятида яшаб ўзбек тилида асар ёзаётган ёзувчиларнинг ижодларидан ҳам вақти-вақти билан намуналар бериб борсангизлар.

**Сафарали ҲОЖИЕВ**
**Тожикистон**

Ўзбекистон жумҳурияти Маданият вазирлиги ва М. Турғунбоева номидаги ўзбек халқ рақс «Баҳор» ансамбли жамоалари балет артисти Ж. Ғаниевага отаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

**Учқун ҒАНИЕВ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

